

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети

Кўлёзма ҳуқуқида

Рузметова Озода Алимовна

**ЖОН СТЕЙНБЕК ИЖОДИНИНГ ЛИСОНИЙ
ВА БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

5-A220102 - Лингвистика (инглиз тили) мутахассислиги
магистрлик даражасини олиш учун

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Иш кўрилди ва ҳимоя
қилишга рухсат берилдиология фанлари
номзоди

Илмий раҳбар:

«Инглиз тили»
кафедраси мудири в.б
_____ к.ў. Г.Рахимова
«___»_____2011 й.

доцент Б. Эрматов

Урганч - 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ 4 бет

БИРИНЧИ БОБ 15 бет

ЖОН СТЕЙНБЕК ИЖОДИНИНГ

БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. “Нафрат учкуни” романининг бадиий таҳлили	16 бет
1.2. “Сичқонлар ва одамлар ҳақида” қиссасининг бадиий таҳлили	27 бет
1.3. “Самовий кулбалар” романидаги ҳикояларнинг бадиий таҳлили	35бет
Биринчи боб буйича хулосалар	40 бет

ИККИНЧИ БОБ 42 бет

ЖОН СТЕЙНБЕК ИЖОДИНИНГ ЛИСОНИЙ

ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. “Жаннатдан шарқда” романининг лисоний таҳлили	42 бет
2.2. “Жавоҳир” қиссасининг лисоний таҳлили	49 бет
2.3. “Американи излаш йўлида Чарли билан саёҳат” очеркининг лисоний таҳлили.....	53 бет
Иккинчи боб буйича хулосалар	63 бет

ХУЛОСА 65 бет

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ 76 бет

ЛУГАТЛАР 77 бет

КИРИШ

Бизга яхши маълумки, адабиёт неча асрлардан буён инсониятга ҳамроҳ бўлиб, уларга эстетик завқ улашиб келмоқда. Адабиёт, бадиий ижод инсон онги ва тафаккури билан бирга ривожланиб, тараққий этиб келган. Адабий асарлар давр руҳини, одамларнинг ўй-фиклари, орзу ва умидларини акс эттирувчи ўзига хос ойна ҳамдир. Ҳар бир миллат ўзининг адабиётига, демакки адабий мактабига ҳам эгадир. Ҳар бир адабий мактабнинг йўлбошчи

вакиллари бўладик, улар орқали миллат чексиз фахр ва ифтихор туйғусини ҳис қилади.

Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, урни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак.(1.1-2:122)

Америка заминида яшаган Т. Драйзер, Ж. Стейнбек, Ж. Сартр каби ўнлаб адибларнинг номлари чуқур эҳтиром билан тилга олинади. Дарҳақиқат, Америка жаҳон илм-фани, санъати ва маданиятига кўплаган алломаларни етказиб берган юрт ҳисобланади.

Маълумки, XX аср Америка адабий мактабининг тажрибалари бағоят қимматли ва салмоқли ҳисобланади. Масалан, Жон Стейнбек ижодини ўрганиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган. Бундай ишлар кўпроқ ёзувчи асарларининг таржимаси ва адабий танқид аспектида бажарилди. Аммо, Стейнбек насрий меросининг хусусиятлари, хусусан, унинг она тилимизга таржима қилинган асарлари бадиъи айниқса, таржимадаги лисоний хусусиятлар, адибнинг инглиз тилида ёзилган асарларининг ўзбек тилига таржима қилиниши бўйича қилинган тадқиқотларни етарли даражада деб бўлмайди. Айниқса, насрий таржимада Стейнбек санъаткорлиги, унинг романларида қўллаган ўзига хос лисоний-услубий тажрибалар тадқиқ қилиниши лозим. Шунга боғлиқ Стейнбек ижодининг замонавий ўзбек адабиётига таъсирини ўрганиш учун XX аср америка адабий муҳити, унинг йирик вакиллари меросини тадқиқ этиш ҳар жиҳатдан долзарб бўлиб турибди.

“Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”дир(2.1-1:67).

Ёш авлодни юксак ахлоқий ва нафосат руҳида тарбиялаш, уларда ғоявий - сиёсий ва илмий дунёқарашни узлуксиз шакллантира бориш республика ҳукуматининг асосий диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Бунинг учун ёшларни жаҳон

адабиётининг буюк намояндалари ижоди билан таништириб бориш зарурати мавжуд.

Мавзунинг долзарблиги. Ушбу тадқиқот Нобель мукофотининг соҳиби, ёзувчи Жон Стейнбекнинг адабий фаолиятини ёритиш, унинг танқидий-эстетик қарашлари, ҳали-ҳануз бадиий қимматини сақлаб келаётган насрий асарлари ва уларнинг таржималари ҳақида фикр юритиш ва шу орқали Жон Стейнбек ижодининг бадиий ва лисоний хусусиятларини очиб беришни мақсад қилдик.

Диссертация XX аср Америка адабий мактаби йирик вакили Жон Стейнбек ижодининг бадиий ва лисоний хусусиятларини тадқиқ қилишга бағишланган биринчи монографик иш ҳисобланади. Шу омиллар тадқиқотнинг долзарблигини кўрсатади. Танланган тадқиқотнинг долзарблиги бир қатор омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, келажакда матннинг бадиий ва лисоний таҳлил қилишнинг янги методикаларини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигидир. Шунингдек турли муаллифлар ижоди материаллари, айниқса, ҳорижий тилларда яратилган асарлар негизида матний таҳлил олиб боришга эҳтиёж борлиги мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Булар матн билан ишлашда ўзига хос базани шакллантиришга, шу соҳа учун умумий бўлган кўникмаларни ва бой тажрибани ҳосил қилишда кўринади.

Иккинчидан, бир муаллифнинг бир неча жанрда ёзилган турли мавзулардаги асарларини ўрганиш, айниқса, Жон Стейнбек ижодига мифологиянинг таъсирини тадқиқ қилишдек ишларни мувофиқлаштириш, бу борада ҳорижда амалга оширилган кўп сонли ишларбилан танишиш шунини кўрсатадики, бу ишларнинг кўпчилиги адабиётшуносликка, ижтимоий фалсафа ва психологик таҳлилга бағишланган. Маълум бўладикки, юқоридаги ишларда Стейнбек ижодининг лисоний таҳлилига камроқ ўрин ажратилган. Яъни, Стейнбек ижоди лисоний аспектда махсус ўрганилган эмас.

Учинчидан, ишда “Нафрат учкуни” (3.2-5,7,8,11,12,13,20) романи анча батафсил таҳлилга тортилди. Бу роман ўзининг ижтимоий мавзуси билан алоҳида ажралиб туради. “Жаннатдан

шарқда” романи эса, узоқ вақт юртимиз китобхонларига номаълумлигича қолаётган эди. Бунга икки жилдлик америка адабиётига оид дарсликда атиги 13 мисра ажратилганини мисол қилиш мумкин(4.1-4:179).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айнан шу романни лисоний таҳлил қилиш кўпроқ қизиқиш уйғотади. Шу сабабли, ушбу роман биз томонимиздан лисоний таҳлилга тортилди.

Мавзунини ўрганиш объекти. XX аср Америка адабий мактаби вакили Жон Стейнбекнинг инглиз тилида ёзилган асарлари, уларнинг рус ва ўзбек тилига ўгирилган таржималари, «Нафрат учқуни», «Жаннатдан шарқда» романлари, «Тортіль-Флэт квартали»(5.2-7), «Сичқонлар ва Одамлар ҳақида»(6.2-8,19) ва «Жавоҳир»(7.2-3,4,6,7,21) қиссалари, шунингдек, «Самовий кулбалар»(8.2-15) романидаги ҳикоялар, «Американи излаш йўлида Чарли билан саёҳат»(9.2-15) очерки тадқиқотнинг текшириш объекти ҳисобланади.

Жон Стейнбек асарларини лисоний таҳлил қилишда мифологияни таъсирини аниқлашга қаратилган ҳаракатимиз ёзувчининг қарийб барча асарларида ривоят сюжет ва мотивларидан кенг фойдаланиши билан изоҳланади. Ривоятлар Стейнбекнинг бу асаридан, у асарига кўчиб юрадики, бу ҳолат ёзувчининг оригинал услубини ташкил қилувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Маълумки, олдга қўйилган муаммони ҳал қилиш учун уни бобларга ажратиб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Тўғри, Америка адабий мактаби, хусусан, Жон Стейнбекнинг адабий фаолияти бўйича республикамызда бир қанча ишлар амалга оширилган. Америка адабий мактаби вакиллариининг асарларида илгари сурилган инсонпарвар ғоялар ва ниҳоят улар асарларининг илмий-назарий аҳамияти бўйича Урганч Давлат университети, хусусан, Жаҳон тиллари факультети ва рус тили ва адабиёти кафедраларида анча ишлар қилинганлигини қайд этиш керак. Жумладан, УрДУ доценти Е.Фоминанинг Герберт Уэльс ижоди бўйича қилган илмий изланишлари муҳим аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсади ёзувчи асарларини бадиий ва лисоний жиҳатдан таҳлил қилишдан иборат. Бунда айниқса, бадиий матнни лисоний жиҳатдан таҳлил қилиш, Жон Стейнбек асарларида ривоятларнинг функциясини аниқлаш, уларни ифодалашда семантик ва лексик бирликларни таҳлил қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Олдга қўйилган мақсад қуйидаги асосий вазифаларда кўринади:

- Жон Стейнбек асарларини бадиий жиҳатдан таҳлил қилишда уларнинг ғоявий-бадиий салмоғига эътибор қаратиш;

- қаҳрамонлар дунёқараши, уларни шакллантиришда ёзувчи маҳорати даражасини танқидий баҳолаш;

- Жон Стейнбек асарларида кўтарилган ижтимоий мавзу ва ҳаётий ҳақиқат мутаносиблигини аниқлаш;

- Жон Стейнбекнинг бадиий маҳорати ва услубининг ўзига хос қирраларини очиб бериш;

- матн феномени яхлитлигини кўриб чиқиш, асосий матний алоҳидаликларни ажратиш ва тавсифлаш, уларнинг бадиий матндаги функцияларини белгилаш;

- асарлардаги мифологияни тилда акс этишининг асосий усуллари ва уларни китобхон томонидан матнлараро шаклланган ҳолда ўқилишини характерлаш;

- ривоятларнинг яхлитлиги ва уларнинг матндаги асосий ўрнини лисоний жиҳатдан характерлаш;

- Жон Стейнбекнинг “Жаннатдан шарқда” романини сюжетли композицион, синтактик ва маъновий даражаларда матний жиҳатдан комплекс таҳлил қилиш;

- ривоятларни янги тарихий-маданий контекстда ифодаланишини, унинг миллат руҳияти ва ижтимоий қадриятларга мослигининг шартли эканлигини ёзувчининг концептуал тизимида қай даражада акс этганлигини ажратиб кўрсатиш;

- бадиий матн мазмунини интерпретация қилишда экспериментал ролни кўрсатиб бериш.

Тадқиқот предмети тавсифи ва санаб ўтилган вазифалар ишга адабиётшунослик, матншунослик ва матн лингвистикаси каби соҳалар бўйича ёндашиш зарурлигини шарт қилиб қўяди.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг ғоявий базасини тилшуносликка тизимли ёндашувчи назариялар(В. фон Гумбольдт, А.А. Потебня, Л.В. Щерба), гуманитар принцип асосидаги тушунчалар(М.М. Бахтин), бадиий матн орқали муаллифнинг ўқувчи билан диалогига урғу берувчи қарашлар (Ю.А. Боров, В.А. Пищальникова) ташкил қилади. Шу жиҳати билан бизнинг тадқиқотимиз интегратив характерга эгадир. Биз бу ёндашувни тадқиқот предметининг спецификасига кўра амалга оширдик. Бу ёндашув лингвистик ва адабиётшуносликнинг умумий таомилига мос ва у бошқа гуманитар илмлар билан ҳам боғлиқдир.

Шунингдек, биз таҳлилнинг бадиий ва лисоний жиҳатларини бир-бирига қарши қўймаслик йўлидан бордик.

Тадқиқот предметини Жон Стейнбекнинг “калифорния мавзуси” асос этган асарлари: «Тортиль-Флэт квартали», «Нафрат учқуни» романлари, кундалик тарзида ёзилган «Американи излаш йўлида Чарли билан саёҳат» очерки ва “Жаннатдан шарқда” китоблари ташкил қилади.

Булар ёзувчи дунёсининг ўзига хос зарурий воситаларидан бири бўлган бадиий қатламнинг асосий турларини кўриб чиқишга асос бўлади.

Тадқиқотнинг методологик асоси ва тадқиқот усуллари. Танланган мавзуни тадқиқ қилишда қиёсий-тарихий ва аналитик методлардан фойдаланилди.

Ишнинг интегратив йўсинда эканлиги тадқиқотнинг методини белгилаб берди. Бу ўз-ўзидан бир бутунликни ташкил қилиб, матний таҳлилни амалга оширишга имкон беради. Қиёсий метод ёрдамида комплекс таҳлил қилиш, мавзу жиҳатидан амалга оширилган бадиий таҳлил – буларнинг барчаси бизнинг тадқиқотимизда ўрни билан қўлланилди.

Ишда адабий материални тадқиқ қилишнинг қиёсий-тарихий, тарихий-маданий ва структурал-семиотик усуллари қўлланилди.

Шунингдек, лисоний таҳлил жараёнида экспериментал методдан ҳам фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқадиган асосий ҳолатлар қуйидагилар:

1) XX асрда бадиий матн ва бадиий қатлам семантикасининг аҳамиятлилиги ошиб, кенг тадқиқ қилиш хусусиятига эга бўлди. Шунинг учун Жон Стейнбек ижодидаги “калифорния мавзусини” замон ва макон муносабатига боғлиқ равишда кўриб чиқамиз.

2) Жон Стейнбек ижодини ўрганар эканмиз, бизнингча шартли равишда марказий ғоянинг қаторини ажратиб кўрсатиш зарур. Бу қаторга қуйидаги тушунчалар киради: Имон, Хотира, Маданият, Тил, Замон ва Макон. Улар ёзувчи ижодининг тадрижий тараққиётини белгиловчи асосий омилдир.

3) Жон Стейнбек ўз асарларида замонни, этик, психологик ва этнографик мушоҳадаларни илгари сурадики, улар аксарият ҳолларда мўъжаз рамзларда акс этади. Оламнинг мўъжаз тасвири кўпқирралидир, у ўзида мифологик тушунчани ҳам, илмий тафаккурни ҳам ва албатта маиший “соғлом фикр”ни ҳам қамраб олади.

4) Бадиий асарни тадқиқотга муҳтож ва у табиатнинг умумий қонуниятларига асосан таҳлилга тортилади деб, яъни бадиий матн ўз-ўзидан тадқиқ қилинмайди балки, бирон-бир қатлам структурал даражасининг адабий тизимли намунаси сифатида тадқиқ қилиниши зарур, деб қабул қилиш лозим.

5) Жон Стейнбек ижодининг бадиий ва лисоний тарафлама кенг таҳлилга тортилиши ва таҳлил жараёнида матншуносликнинг асосий назарий принципларига таянилиши;

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Олдимизга қўйилган масалалар таҳлили жараёнида объектив-танқидий муносабатнинг шарт қилиб қўйилганлиги; замонавий методологиядан фойдаланиш; Жон Стейнбек асарлари тадқиқига янгича ракурсда ёндашиш; танланган мавзуга оид матн таҳлилига бағишланган, юртимиз ва хорижда нашр қилинган манбалардан кенг фойдаланиш каби омиллар мазкур диссертациянинг илмий асосланганлигини билдиради.

Ўрганилаётган мавзу кўламига кўра, ўрганилиш услуби ва ўрганилаётган объектига кўра бир қанча янги илмий хулосалар, янги-янги маълумотлар бера олади:

- Тадқиқотнинг илмий янгилиги матн назариясининг концептуал-терминологик қурилмасини қайта ишлашда кўринади.

- Биринчи маротаба Жон Стейнбек асарларида мифологиянинг таъсири масаласи кўрилди.

- Ишда таҳлил жараёнида ҳосил бўлган натижалар, яъни ривоятларнинг бутун бир асарнинг матнида фаол иштирок этганлигини илмий янгилик сифатида қайд қилиш мумкин.

- Жон Стейнбек ижодига XX асрнинг замонавий бадиий новацияси деб қаралиши ҳам бу ишнинг бой илмий янгиликларга эга бўлишидан далолат беради.

- Ёзувчининг асарлари ва муаллифнинг бадиий ва фалсафий оламига янгича нуқтаи назардан ёндашилди.

- Биз Жон Стейнбек асарлари бадиий қатлами семантикасини (маъно ифодаловчи воситаларни), қатлам тавсифини кўриб чиқамиз.

Ушбу иш орқали биринчи маротаба Жон Стейнбек ижодининг бадиий ва лисоний хусусиятлари таҳлил қилинади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.
Мазкур тадқиқотнинг илмий-назарий аҳамияти шундаки, унинг натижалари XX аср америка адабиёти тарихидан мустаҳкам ўрин эгаллаган Жон Стейнбек асарлари орқали америка халқининг тарихий-маданий қиёфаси масаласини янада чуқурроқ ўрганишга хизмат қилиши мумкин.

Ишнинг назарий аҳамияти матний таҳлил бўйича қилинадиган кейинги тадқиқодлар учун бой тажриба бериши билан баҳоланади. Жон Стейнбек асарларининг бадиий таҳлилга тортилиши XX аср умумамерика бадиий тафаккури, ижтимоий ва руҳий таназзулини англашда айниқса аҳамиятлидир. Жумладан, ёзувчи қарашларининг бадиий талқини масаласи ҳам алоҳидалик касб этган. Бу орқали биз муаллифнинг нафақат бадиий маҳорати қирраларини балки, адабиётшуносликнинг таҳлил кўламларини нақадар жозибадор эканлигини билиб оламиз. Стейнбек асарларини лисоний таҳлил қилиш орқали биз матншунослик соҳасининг назарий қисмлари кўламини тажрибада синаш имкониятига эга бўлдик.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, мазкур иш материаллари келгусида ўзбек адабиётшунослиги ва таржимашунослигида Жон Стейнбек асарларини тадқиқ қилишда қўлланма бўлиши мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти авваламбор, ундаги таҳлил жараёнининг натижалари билан боғлиқ. Ишдаги бадий матн таҳлилига бағишланган бўлимлардан матншунослик, услубиёт курсларининг семинарларида, диссертацион ва малакавий битирув ишларида кенг фойдаланиш мумкин.

Иш натижаларини XX аср америка адабиёти тарихи курсларидаги маърузаларда, шунингдек, махсус курс ва махсус семинар машғулотларида қўллаш мумкин.

Диссертациянинг режаланиши ва маъқулланиши. Тадқиқот мавзуси Урганч Давлат университети «Инглиз тили» кафедраси томонидан тавсия этилиб, кафедранинг 2009 йилдаги кенгашида маъқулланди.

Мавзу бўйича ишлар 2009-2011 йилларда “Инглиз тили” кафедрасида олиб борилди. Ишнинг бориши «Инглиз тили» кафедрасида бир неча марта муҳокама объекти бўлди.

Урганч Давлат университети «Инглиз тили» кафедрасининг 2011 йилнинг 3 апрелда ўтказилган мажлисида муҳокама қилиниб, ижобий баҳоланди. Тадқиқотнинг алоҳида муаммолари 2010-2011 йиллари диссертант томонидан кафедра қошидаги ва УрДУ магистратура бўлимида ўтказилган семинарларда илмий маъруза шаклида тақдим қилинди. Диссертациянинг йўналиши, қисқача мазмуни ва таркибий қисмлари иккита мақола кўринишида илмий тўплам ва Магистрантларнинг анъанавий илмий мақолалар тўпламида акс эттирилди.

Диссертациянинг тузилиши ва умумий ҳажми. Иш кириш, ҳар бири олдга қўйилган муаммони турлича аспектда ифодаладиган иккита бобдан ва ҳар бир боби ажратилган бўлимлардан, умумий хулоса ва адабиётлар рўйхатидан таркиб топган.

Диссертациянинг кириш қисмида ишнинг мақсад ва вазифалари баён қилинади, унинг долзарблиги аниқланади, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти белгиланади. Биринчи бобда Жон

Стейнбек ижодининг бадиий хусусияти таҳлил қилинади. Бу боб уч бўлимдан таркиб топади. Биринчи бўлим Жон Стейнбек романларининг бадиий таҳлилига бағишланади. Мазкур бўлимда “Нафрат учкуни” романи бадиий жиҳатдан таҳлил қилинади. Иккинчи бўлим Жон Стейнбек қиссаларининг таҳлилига бағишланган бўлиб, унда “Тортил-Флэт квартали” ва “Сичқонлар ва одамлар ҳақида” қиссалари бадиий таҳлил қилинади. Учинчи бўлимда эса, Стейнбек ҳикоялари таҳлилга тортилади. Бу бўлимга “Самовий кулбалар” романи манба сифатида танланган бўлиб, ушбу роман ҳикоялардан ташкил топган. Кўпчилик тадқиқотчилар бу романни жанр жиҳатидан ҳикоя-роман тарзида баҳолашади. Биз ҳам юқоридаги фикрларга асосланиб, унинг структурал-шаклий тузилишини этиборга олиб асарга ҳикоя сифатида ёндашдик.

Иккинчи боб Жон Стейнбек ижодининг лисоний таҳлилига бағишланади. Бу боб ҳам уч бўлимдан таркиб топган. Биринчи бўлим Жон Стейнбек романларининг лисоний таҳлилига бағишланган бўлиб, таҳлилга “Жаннатдан шарқда” романи асос қилиб олинган. Иккинчи бўлимда Жон Стейнбекнинг “Жавоҳир” қиссаси лисоний жиҳатдан таҳлил қилинади. Учинчи бўлимда эса, “Американи излаш йўлида Чарли билан саёҳат” очерки лисоний таҳлил доирасига тортилади.

Диссертациянинг хулоса қисмида тадқиқотнинг умумий хулосаси келтирилади ва мавжуд муаммоларнинг келгусида тадқиқ қилиш имкониятлари кўриб чиқилади.

Диссертациянинг хулоса қисмидан сўнг, 130га яқин энг фаол филологик атама, ном ва тушунилиши қийин бўлган сўзларга берилган изоҳдан таркиб топган луғат келтирилган.

Адабиётлар рўйхати юртимизда ва ҳорижда нашр қилинган 21та адабиётни ўз ичига олади. Шунингдек, диссертацияда 19та манба кўрсаткичи келтирилади.

Диссертациянинг умумий ҳажми 80 саҳифани ташкил қилади.

БИРИНЧИ БОБ

ЖОН СТЕЙНБЕК ИЖОДИНИНГ БАДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. “Нафрат учқуни” романининг бадий таҳлили

Жон Эрнст Стейнбек 1902 йилнинг 27 феввалида Калифорния штатининг Салинас шаҳрида туғилади. Унинг илк романи “Олтин коса” 1929 йили нашр қилинган. 1935 йили нашр қилинган “Тортил-Флэт квартали” қиссаси эпизодлардан иборат бўлиб, унда Стейнбек материализмнинг гуманизмга салбий таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилган. Ёзувчи “Ва жангги бой бердилар”(1936) ва “Сичқонлар ва одамлар ҳақида”(1937) қиссаси билан танилган. Айниқса, “Нафрат учқуни”(1939) романи америка адабиётининг мумтоз намунаси ҳисобланади. Шунингдек, Стейнбек “Консервалар растаси”(1945), “Адашган автобус”(1947), “Жаннатдан шарқда”(1954), “Ҳавотирли киш”(1961) романи, “Американи излаш йўлида Чарли билан саёҳат”(1962) очерклар китоби ва бошқа асарлар муаллифидир. Унинг “Ҳайбатли тоғлар” ҳикоялар тўплами ўзбек тилига таржима қилиниб 1963 йили нашр этилган(10.2-1).

Стейнбекнинг илк романи “Олтин коса” 1929 йили нашр қилинган.

Айниқса, “Нафрат учқуни” романи америка адабиётининг мумтоз намунаси ҳисобланади.

“Америка меҳнаткашлари ҳақида бизнинг бутун тарихимиз давомида ёзилган йирик асар... Мағрурона ёлғизликдаги ёзувчилик шижоатидир...” - дея Жон Стейнбекнинг “Нафрат учқуни” романи АҚШ адабий танқидчилиги томонидан таърифланади(11.2-13:3).

30-йилларнинг “суронли” даврларида яратилган бу китобда давр руҳи ўз аксини топган. Мавжуд ачинарли кайфиятни ифодалаган роман ошкора исён эди. Мамлакатнинг пешқадам жамоатчилиги вакиллари асосли равишда Стейнбек асарларида АҚШ адабиётининг прогрессив анъаналари мавжудлигини тан оладилар. Ёзувчининг номи Жон Рид, Теодор Драйзер ва Энтон Синклер каби адиблар қаторидан жой олади. Бугун Калифорниянинг Лос Гатос мавзесида – романнинг машинкада ёзилган қўлёзма нусхасининг охири саҳифалари чоп этилганидан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтгач, мазкур асарнинг XX аср адабий жараёни контекстидаги роли аҳамиятлигина эмас, балки оламшумул аҳамиятлидир. “Нафрат учқуни” романи 1939 йили нашр қилингач, шуҳрат қозонгани бежизга эмас эди. Жон Стейнбек бу асарида эришган муваффақиятлари билан чегараланиб қолмади. Романнинг яратилиши ёзувчининг келгусида яратадиган асарларига пойдевор бўлди. Уни дастлабки ўн йилликдаги ҳаваскор ёзувчи даражасидан замонавий миллий эпос яратувчиси даражасига олиб чиқди.

Тўғри, “Нафрат учқуни”га олиб борган йўл реалистик бошлама ва ажойиб интонациянинг кучли ифодаси сифатида баҳоланган бўлсада, Стейнбек, анчайин бўш ва бир қатор руҳий абстракт асарларни ҳам нашр қилдирди. Америкалик носирнинг ижодий эволюцияси беқарор кечганлиги шубҳасиз.

Аммо, ўзининг машҳурлик чўққисига интилиши мобайнида, айниқса, унинг учун ва бутун мамлакат учун оғир кечган 1950 йиллардаги “маккартизм” даврида ҳам у демократик тамойилларга содиқ гуманист-ёзувчи бўлиб қолди.

Бутун дунё китобхонлари учун Стейнбекнинг номи урушдан олдинги инқироз йилларида, аввало АҚШнинг социал-психологик жараёни билан боғланади(12.1-13). Унинг дастлабки саргузашт ва бир қанча жиҳатдан ҳайратга солувчи романи “Олтин коса” (1929) машҳур “биржа таназзули”дан салгина олдин нашр қилинганди. Лекин, умуммиллий тўлқин мавзуси бошловчи муаллифнинг кузатиш ва фикрлов доирасига дарров тушгани йўқ. 30-йиллар бошларидаги романларида Стейнбекни ўша вақтдаги ёшлар адабиёти вакиллари орасидан ажратиб турувчи илк маротабадаги муаммолар, фалсафий қизиқишлар ва эстетик қарорлар кўрина бошлади. Ушбу романларидан бошлаб, унинг китоблари саҳифасида муаллифга ўз тажрибасидан яхши таниш бўлган Американинг оддий кишилари – фермерлар, ижарачилар, мексикалик чўпонлар ва уйсиз дайдилар ўрин олди. Шу тариқа Монтеррей шаҳри атрофларини ва ўзига хос, унинг асарларидаги шартли персонажларнинг турар жойи бўлмиш Марказий Калифорниядаги Салинас водийларидан иборат “Стейбек салтанати” ташкил топди(13.1-20). Шу пайтдан эътиборан прозаикнинг ижодий методи ва дунёқараши ўртасида маълум зиддиятлар юз берди. Унинг ижодида реализм ва натурализмнинг ўзаро қоришмаси, инсоннинг кўп ўлчовли социал-психологик интерпретацияси билан мистик-биологик концепцияси асосидаги ҳаракатлари аро кураш ўз ифодасини топди(14.1-13). Инсоннинг ўзига хос “анимализация”си, яъни унинг ҳатти-ҳаракати ва эмоцияси ҳақидаги маълумотлар, инстинктив ва биологик реакциялар – булар дастлаб “Қўл етмас худога” романида, кейинчалик сўнгги асарларига эпизодик кўчган концепциянинг шаклланишидир. Бошқа “калифорниялик романнавислар” (Ф. Норрис, Ж. Лондон) сингари Стейнбек ҳам шубҳасиз, Г. Спенсернинг “органик фалсафаси” таъсирини ҳис қилган эди(15.2-13:4).

“Олтин коса”даги псевдогегероика ва “Қўл етмас худога” романидаги метафизик проблематикадан сўнг ёзувчи худди мана шу ерда – ҳали дастлабки босқичда америка ҳаётининг асл конфликтини фикр ойнасидан ўтказди.

Уруш йилларида ёзувчи демократияни фашизмнинг ҳалокатли ҳавфидан фаол ҳимоя қилишга отланди. Унинг асарларининг бадиий формаси шаклланиб, танқидий реализм бадиياتини бойитди ва ривожлантирди. АҚШда ишчилар ҳаракати кенг қулоч ёйган ва иккинчи жаҳон уруши бўлиб ўтган 1936 йилдан то 1945 йилгача бўлган ўн йиллик – Стейнбек ижодининг машҳурлик чўққисига чиққан даври бўлди. Бу(машҳурлик.муал.) миллат ҳаётидаги энг кайноқ муаммолар юз берганда намоён бўлди.

Теодор Драйзер Стейнбекни ўша даврнинг иқтидорли прозаикларидан деб ҳисоблаган. “Нафрат учқуни” дунё юзини кўргач, америка танқидчилиги ҳам буни тан олди. Улар бир овоздан ёзувчининг ижодий ўсишининг асосий сабаби деб уни ижтимоий муаммоларга мурожаат қилишида ва меҳнат билан капитал ўртасидаги ўткир конфликтларни ифодалашида деб таъкидладилар(19.2-12:7).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Стейнбек Америка меҳнаткашларининг аҳволини охиригача ҳаққоний ва бадиий ифодалашни бирданига амалга оширгани йўқ. Калифорниядаги деҳқон хўжаликларидаги ишчиларнинг стачкасига бағишланган “Ва жангни бой бердилар”(1936) романида у ҳали муаммоларни бадиий жиҳатдан адекват қамраб олиш йўлида изланар эди. “Тортил-Флэт квартали” қаҳрамонлари бўлмиш буржуа цивилизацияси чеккасида яшовчи очикқўнгил ва қувноқ дайдилар билан ҳайрлашгач, ёзувчи ижтимоий-иқтисодий муаммоларни кўпроқ диққат билан кузата бошлайди. Жамият қатламлари аро кечаётган курашни излаб узоққа бориш шарт эмас эди. Ёзувчининг туғилган юрти Салинас шаҳарчасида ўша пайтда мева қадоқлайдиган ишчиларнинг иш ташлаши бўлаётган эди.

Стейнбек иш ташловчиларнинг барча талабларини билар эди. У бу ҳақда китоб ёзишга киришади. Стейнбек бу китобнинг “жуда кескин” бўлишини, уни нашр қилиш учун ношир топилмаслигини яхши биларди. Бу ерда ҳамма гап бўлиб ўтаётган воқеаларни оддий баён этиш, ёки бетараф кузатувчи бўлиш, ёинки муаллифнинг позицияси қандай бўлиши ҳақида эмасди.

Муаллифнинг эътибори исёнчиларга қаратилган бўлсада, у қарама-қарши томонлар нуқтаи назарини “келиштириш”га интилиши гоҳида асарни ғоявий тушунчасига соя соларди. Ёзувчи ички эволюциясининг навбатдаги босқичи ҳисобланган “Ва жангни бой бердилар” романи ўша даврда халқ турмушини акс эттириш йўлида бир қоралама сифатида майдонга чиқди.

1937 йили ёз фаслида Американинг марказий штатлари Миссисипи дарёсининг ўрта оқимининг ғарбигача қаттиқ қурғоқчиликка ва “чанг тўзони” аралаш кучли бўронга учради. Минглаб хонавайрон бўлган фермер ва пудратчи-ижарачилар ўз ерларини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Шундай қилиб, Калифорниянинг табиий офатдан зарар кўрмаган ерларига бошпана ва иш излаб минглаб қишлоқ хўжалиги ишчилари миграцияси ва келгиндиларнинг катта оқими ёпирилиб кела бошлади.

Ушбу асардаги прогрессив ғояларнинг кучли ва аниқ ифодаланиши эпик тасвир ва оригинал композицияси билан ҳамоҳангдир. Асарда келгиндиларнинг кечинмалари, уларнинг бошига тушган кўргуликлари асар бобида ҳажман кичик бўлсада, муаллифга фикр ва мулоҳазаларини очик баён қилиш учун минбар вазифасини ўтади.

Ўқувчиларга бўлган очик мурожаатида Стейнбек фермерлар ўртасидаги ижтимоий дифференциация, Оклахома пахта далалари ижарадорларининг қашшоқлашиши, халқнинг йирик компаниялар томонидан таланиши ва эксплуатация қилиниши ҳақида гапиради. Бундай публицистик чекинишлар жамиятга нисбатан қарахт қилувчи инқироз зарбалари сифатида Қўшма штатлардаги аҳолининг барча қатламларининг бус-бутун картинаси сифатида тақдим қилинади(20.1-3). Уларнинг орасида еридан ҳайдалган дехқон, норози тадбиркор ва халқ бошига ёғган кулфатдан фойда кўзловчи уддабуронлар ҳам бор. Аммо, муаллиф учун бошқа америкача руҳда яратилган ўлмас ижод топилдиқлари билан бир қаторда турувчи фермер Жоудлар оиласининг тақдири яқинроқдир.

“Йирик ер эгалари юзага келаётган ўзгаришларнинг асл сабабини билолмай хавотирга тушадилар... – деб ёзади Стейнбек, асарнинг энг энтиктирувчи қисмида. – Сабаблар чуқур илдиз отган

ва уларда ҳеч қандай тушунмовчилик йўқ. Буларнинг сабаби – бу миллионлаган нуфусга эга бўлган табиий очлик; бахтга бўлган интилиш, эртанги кунга бўлган ишонч; ишга ва яратувчанликка бўлган туртки кабиларни қамраб олган руҳий қашшоқликдир”. Шу фикрни давом эттириб, китоб якунида ёзувчи қуйидагича хитоб қилади:

“Бизнинг халқимиз – яхши халқ; бизнинг халқимиз – меҳрли халқ. Худо хоҳласа, шундай кунлар келадики, ана шунда барча меҳрибон одамларнинг барчаси ҳам қашшоқ бўлмайди. Худо хоҳласа, шундай кунлар келадики, болалар очликдан изтироб чекмайдилар.

Заминдорлар эса бундай илтижолар бир кун келиб тинчиб қолади деб ўйлардилар. Ва шунда барчаси якун топади”(21.2-13:8).

Ижтимоий норозилик пафоси билан йўғрилган бу туйғулар “Нафрат учкуни” романининг ғоявий-бадий қурилишининг алоҳида хусусиятидир. Ўз кучига бўлган бундай ишонч, донишмандлик ва собитқадамлик “Нафрат учкуни”да акс этган оддий, чаласавод америкаликларнинг яратилган образига хосдир. Жоудларнинг Оклахомадан то Калифорнияга қадар кечган йўлидаги тортган жабру ситам тарихи – XX асрда яратилган камсонли адабий қаҳрамонларнинг намунасидир. Ёзувчи ўз қаҳрамонларини шахснинг биологик алоҳидалиги ва конкрет ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида пайдо бўладиган “табиий” ҳолда тасвирлар экан, уларга ортиқча бадий безак бермайди. Ижодкорнинг самимийлиги Жоудлардаги қўполлик, чегараланганлик ва ҳаттоки уларнинг патологиясини ҳам яширишга имкон бермайди. Лекин реалист-ёзувчи натурализм анъаналарида муқим туриб қолмайди. У “ҳаётий лавҳалар” билан чекланиб қолмайди. Ма Жоуд ва унинг ўғли Том мисолида олдинига ривожланмаган, кейинчалик эса, норозилик ва курашдан бошқа чора қолмаганини англаган меҳнаткаш инсоннинг ўзини англаши оstonасидаги бўйи-бастини равон тасвирлайди.

“Биз бу одамчаларнинг излари қолмаган даврларда ҳам яшаймиз, - дейди Ма Жоуд. – Биз халқмиз, Том, биз ҳам иссиқ жонмиз. Бизларни йўқ қилиб бўлмайди. Биз халқмиз – биз яшаяпмиз ва яшаймиз ҳам”(22.2-13:8).

Бадий ҳақиқатга содиқ қолар экан, ёзувчи Жоудлар характери атайлаб мураккаблаштирмади. Аммо у улардаги энг асосий унсурни – ботирлик ва тиришқоқликни, мардлик ва ўзини йўқотмасликни, авлодлар анъанасига содиқликни ва энг суронли синов соатларида ҳам оила ядросини бирлаштириб турган чегараланган бурч, шаън ва адолат ҳиссини кўрди.

Жоудлар банк ва трестларнинг яъни, сирли кўринмас мавжудотларнинг уларни бор тириклик манбаидан жудо қилиши ҳақидаги хабарни ҳам ҳеч қадай саросимасиз, мағрурона кутиб оладилар. Китоб финалида очликдан ўлиш ҳавфи билан юзма-юз келган Ма Жоудни ички руҳий тинчлик ва ўзининг ҳақлигини англаш ҳисси асло тарк этмайди.

“Нафрат учкуни” – жанговар, жаҳон прогрессив адабиётида мустаҳкам ўринга эга бўлган ажойиб асардир. 30-йилларнинг охиридаги вазиятни ҳаққоний акс эттирар экан, ёзувчи, аҳолининг турли қатламларига бирдек характерли бўлган умумхалқ норозилиги ва ҳайрати чизгиларини чизади(23.1-5). Ёзувчи китобнинг қайси бир публицистик бобида Оклахома, Арканзас ва бошқа шарқий штатлардан келган келгиндиларни калифорниялик ишчилар ҳам ойлик маошларини пасайиши ва рақобатдан ҳавфсираб четлаганини ҳасрат билан ёзади.

Америкаликларнинг озод ва бахтли ҳаёт кечиришига нима ҳалақит бериши тўғрисида мулоҳаза юритар экан Стейнбек, ноқис чоралар билан иқтисодий таназзул асоратларини юмшатмоқчи бўлган АҚШ федерал ҳукумати фаолиятини етарли даражада очик шарҳламайди. Романнинг иккинчи ярмида зўрлик ва таназзул денгизи ўртасида камсонли “ҳавфсизлик оролчалари” дея таърифланадиган ишсизлар учун ҳукумат томонидан ташкил қилинган лагерлар баёнига озмунча ўрин ажратилмаган.

“Бу Қўшма Штатлардир, Калифорния эмас”, - деб мағрурона жавоб беришади бошпанасизлар муассасасида яшовчилар(24.2-13:9). Бироқ, ёзувчи муаммонинг ечимини ҳукумат ҳайриясида эмас, балки, жамоавий бирликда ва дарров ўз тақдирини йўлга қўйишда имкониятга йўл очадиган ўзаро қўллаб қувватлашда деб ҳисоблайди.

Романнинг ғоявий структурасида Жим Кэйси образига асосий ўрин ажратилган. У ташқи кўринишидан бошқалардан унчалик ажралиб турмайдиган, фақатгина ўзининг воизлик қобилияти билангина ажралиб турадиган дайди рухонийдир. Асосийси у ёвузлик ва эзгулик, инсоннинг борлиғи масаласидаги саволларга жавоб излашидадир. Китобхон Том Жоуд билан биргаликда Кэйси учун оғир кечаётган, яъни у бошқаларни тўғри йўлга бошлаши учун маънавий ҳаққи борлигига ва насронийлик динининг ҳақлилигига шубҳа билан қарай бошлаган пайтига тўғри келган бир вазиятда танишади. Ҳаётнинг бешафқат реаллиги Кэйси учун(худди Стейнбекнинг олдинги асарларидан то “Нафрат учқуни” романигача бўлган йўлидаги каби) яхши таниш эди. Улар оддий инсонларнинг хасратли ҳаёти самовий ёвузликнинг ва мистик яратилишнинг айби билан эмас, балки бошқа – башарий кучларнинг “фойда билан нафас олувчи ва жамғармалар фоизи билан яшовчи” кишиларнинг айби туфайли эканлигини яхши билишарди.

“Мен бор кучимни иблис билан курашишга бағишладим, чунки, иблис менга жуда даҳшатли душман бўлиб туюлар эди, - дейди Кэйси. – Ҳозир эса бизнинг мамлакатимизни кучлироқ душман эгаллаб олди ва уни мажақлаб ташламагунларича орқага қайтмайди”(25.2-13:10).

Роман қаҳрамонларидан биринчи бўлиб Жим Кэйси меҳнаткашларни эзувчиларга қарши онгли курашга киришади. У полициячилар билан бўлган тўқнашувда қатнашади, Томни қутқариш учун ихтиёрий равишда қамоққа боради. Шундан сўнг, мева плантацияларидаги иш ташлашларга бошчилик қилади. Образ ҳаққонийлигига бўлган содиқликни сақлаб қолган Стейнбек, Кэйси кўнглининг тубидан жонфидолик ва қаршилиқ кўрсатмаслик каби илоҳий чақириқлардан воз кечмаганлигини уқдиради. Лекин, унинг этик таъкидлари, “Нафрат учқуни”да акс этган насронийликнинг амалдаги турли-туман дайдиб юрувчи секталари билан умумийликка эга эмас ва улар ҳеч қандай ҳайрихоҳлик уйғотмайди.

Стейнбекнинг бошқа китобларидаги персонажлардан фарқли ўлароқ, Кэйси ўзининг хусусий “табiiй дини”ни яратади. Унда марказий ўринни худо ҳам эмас, табиат ҳам эмас, балки меҳнаткаш

инсон эгаллайди. “Мен анча ўтирдим, ўйладим ва бирдан ҳаммасини тушуниб етдим, - деб ичдан мулоҳаза юритади Кэйси. –Бизга барчасини худога ва Исога тўнкашдан нима наф? Балки, бу бизларнинг инсонларни севишимиздандир? Балки муқаддас рух – бу инсоннинг кўнглидир? Балки, барча инсонлар нажот топганлардандир ва улар буюк бир кўнгилни ташкил қилишар. Уларни биз ҳар бир инсондан топишимиз мумкиндир?”(26.2-13:41).

Айниқса унинг бу оила бошига ёққан саноксиз кулфатлардан биринчиси бўлмиш - қария Жоуднинг тобути устида янграган сўзи анчайин таъсирчан янграйди:

“Мен билмайман, у қанақа инсон эди – яхшими ёки ёмонми, лекин бунинг аҳамияти йўқ. Асосийси, у тирик инсон эди”(27.2-13:166)

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, “Нафрат учқуни”даги муаллиф фикрлари ва характерларнинг ҳаракати бадиий уйғунликдаги бирликдан таркиб топади. Фалсафий концепция ва ҳаққоний материалларнинг ажралмаслиги асарнинг зарурий мавзуси – оддий инсоннинг буюклиги ва бағрикенглиги мавзусини ишлашда кўринади. Ёзувчи Жоудларга дастлабки примитив қарашларидаёқ уларда гўзалликнинг бутун бир дунёсини ва поэзияни кашф қилади. Стейнбек улардаги алам ва ўлим даҳшатини енгувчи ҳаётий инстинктни улуғлайди, яратувчанлик ва меҳнатга бўлган интилишини ажратиб кўрсатади.

Шундай қилиб, Стейнбек ўзининг бу романи билан дунё китобхонларининг чексиз меҳрини қозонди. Бу роман ўзининг тасвир ифодаси, жанр нуқтаи назаридан, ғоявий бадиий таъсирининг кучли эканлиги билан ҳам XX аср Америка адабиётининг нодир дурдонаси ҳисобланади.

1.2. “Сичқонлар ва одамлар ҳақида” қиссасининг бадиий таҳлили

Жон Стейнбек ижодида қисса жанри алоҳида ўрин эгаллайди. Ёзувчининг қиссаларини Америка қиссанавислигининг гултожи дейиш мумкин.

Унинг дастлабки 1935 йили нашр қилинган “Тортил-Флэт квартали” қиссаси эпизодлардан иборат бўлиб, унда Стейнбек

материализмнинг гуманизмга салбий таъсирини кўрсатишга ҳаракат қилган. Ёзувчи асосан “Ва жангни бой бердилар” ва “Сичқонлар ва одамлар ҳақида” қиссаси билан танилган.

Стилист ва ҳикоянависнинг ошиб бораётган маҳоратига қарамасдан, Стейнбекнинг дастлабки китоблари мунаққидларнинг ва кенг китобхонлар оммаси диққатини ўзига жалб қила олмади. Фақатгина 1935 йилдаги “Тортил-Флэт квартали” қиссасининг нашр қилинганидан сўнггина унинг адабий тақдирида бурилиш юз берди. Биринчи марта ёзувчининг номи бестселлер муаллифларининг рўйхатида пайдо бўлди. У йилнинг энг яхши китоби номинацияси бўйича мукофотга лойиқ топилиб, олтин медалга сазовор бўлди. “Тортил-Флэт квартали” асарида - ҳали тўлақонли эпикликга даъвогарлик қила олмайдиган қиссада Стейнбекнинг демократик интонацияси сезиларли даражада кучайганди. Кейинги асарларида мўлжалланган ва замонавий Аркадийларни излашни давом эттирган ёзувчи шулар билан бирга реализм йўлида яна бир қадам ташлади: расмий статистикага мувофиқ ва тарқалган мулоҳазаларга мос капиталистик жамиятнинг “кўзи”даги кишиларга монанд янги қаҳрамонларни кашф қилди.

Китоб персонажларининг – калифорниялик “пайсано”лар, Монтерей шахрининг респектабелли яшовчилари ўзини олиб қочишни афзал биладиган уйсиз ва ярим яланғоч дайдиларнинг асосий хусусияти – уларнинг буржуазия тамаддунининг фундаментал асосларига қарши кўр-кўрона қаршилиги эди(28.1-17).

“Пайсано тижорат руҳи билан зарарланмаган, - деб таъкидлайди Стейнбек, - улар америка бизнесининг мураккаб системасининг қуллари бўлиб қолмадилар; ҳа унинг ўзи(америка бизнеси.муал.) ҳам эътиборингиз учун, уларни(пайсаноларни.муал.) ўз измига олишга интилмади. Чунки, уларни на тортиб ёки гаровга олишга ва на ўғирлаб олишга арзийдиган мол-мулки йўқ эди”(29.2-13:5).

Оқкўнгил “ер фарзандлари” – фақатгина ўзларининг энг зарурий эҳтиёжларини қондириш учунгина яшар эдилар. Лекин, ёзувчи томонларнинг қўполлигини олдинга интилиш деб ҳисоблайди. Усталик билан ниқобланган тилёғламалик - самимий

соддадиллик сифатида, маккорона ҳисоб-китоб – ноёб саҳийлик сифатида кўринади.

Бироқ, калифорниялик “ялангоёқ”ларнинг қувноқ давраси ўзларининг абадий имконсизлиги фалсафасини йўқотишга кодир эмас. Адабий қаҳрамонларининг ожиз томонларини сўзсиз ёзувчининг ўзи ҳам англари. Шу сабаб унинг китобида инсонларнинг ўзаро муносабатларидаги овоза қилинмаган примитивликни идеаллашувини нотўғри деб ҳисобламаслик лозим. Муаллиф томонидан яратилган характерларга унинг ўзи томонидан билдирилган танқидий ёндашув асарнинг конфликт сифатида қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир. Чунки жамиятнинг таназзули, унинг аъзолари ичдан ўзаро бир-бирлари билан мустаҳкам боғланмаган. Шунга қарамай қиссанинг ғоявий доминантаси объектив контраст билан парадоксал аҳамият касб этган. Булар Американинг суронли ижтимоий ҳаётининг “буюк депрессия” давридаги ўзининг табиий ва беғубор, айти пайтда оддий тафаккур хазинаси билан боғлиқдир. Шартли равишда колоритдан ҳоли бўлмаган бу китобнинг яратилиши америкалик машҳур демократ-танқидчи М. Гайсмарнинг таърифича “инқироз асрида барча нарсани ўз гарданига ортиган кимсанинг бевош дунёсига сафар”, деб баҳоланди(30.2-13:5,6).

Қаҳрамонлар умумийлигини бирлаштирган бу қисса ўзининг жанри ва эстетик ранглари билан бирга романтик идиллия ва қаҳрамонлик эпопеясининг замонавий версияси сифатида ҳаққоний характерланади. Стейнбек ўзининг мактубларининг бирида шундай ёзган эди:

“Бу енгил ва мен аминманки, ўз навбатида бус-бутун ҳаққоний тафсилотдир. Кимки бу меҳнаткашлар ҳаёти билан таниш бўлмаса, унда бу асарнинг ҳаққонийлигига ҳеч қачон ишонмайди...”(31.2-8:11).

Бу тажрибалар кейинчалик унинг энг яхши китобида ўз самарасини берди. “Сичқонлар ва одамлар ҳақида”(1937) қиссаси ҳам бу борада “тайёргарлик эскизи” ролини ўйнади. Мазкур асарда ёзувчи ўзини утопик таҳайюлдан қандай олиб қочган бўлса, олдиндан ўйланган абстракт ғояга ҳаётининг фактларни

бўйсундиришдан ҳам шундай олиб қочган. Стейнбекнинг бевосита шахсий таассуротлари асосида ёзилган унча катта бўлмаган бу асар 30-йилларнинг охири АҚШдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни зудлик билан ўнглаш йўлида муҳим чорлов сифатида ўзини кўрсатди. Ўша оғир дамларда миллионлаб меҳнаткашлар турмуши Стейнбек томонидан ҳаяжонга солувчи трагизм ва ҳайратга етакловчи кўнгилчанлик билан тасвирланди.

Бу қиссани ёзишга киришар экан Стейнбек ёзади:

“Мен ишлар эканман, ҳаётнинг барча бойлиги ва ранг баранглигини, гоҳида эса бутун мардонаворлигини сезаман. Албатта буларнинг барчаси менинг бир қисмим эмаслигини биламан. Лекин мен гоҳида фикран шундай бир нарсаларни яратаманки, бу менинг кичкина ҳаётимдан бойроқ ва сезиларли даражада каттароқдир”(32.2-8:13).

1937 йилнинг феврилида Стейнбекнинг “Сичқонлар ва одамлар ҳақида” номли қиссаси мамлакат китоб дўконлари расталарида пайдо бўлади. Бу китоб қисқа вақт ичида бестселлерга айланади. “Ойнинг энг яхши китоблари” китоб клуби уни Герберт Уэллснинг янги романи “Қиморбоз” билан бирга клуб аъзоларига йўллайди. Чоп қилинган, биринчи ойдаёқ қиссанинг юз минг нусхадан кўпроғи сотилиб кетади. Бу қисса асосида, кейинчалик театр танқидчилари клубининг мукофотига лойиқ қўрилган пьеса қўйилади. Кўп йиллар давомида биринчи марта Стейнбекнинг исми атоқли адабий танқидчилар ва кенг китобхонлар диққатини жалб қилади. Қисса асосида – мавсумий ишчилар – Жорж ва Ленниларнинг оддий, ҳаттоки бирмунча примитив ва ўз навбатида фожиавий дўстлиги тарихи ётади. Жорж – ақл ва фаросатдан бегона бўлмаган, чаққон, абжир ва жуда очиккўнгил тажрибали ишчи. Унинг дўсти Ленни эса, “катта миттивой” деб аташади. У “ғайриоддий” кучга эга бўлса ҳам, табиат уни ақлдан пича қисган, унинг ақли ва хотираси гўдақникидек. У ҳамма нарсада, ўзига тушунарсиз бўлган бу дунёда ягона таянчи ва суянчиғи бўлган Жоржга таянади.

Жорж ўз орзусини амалга оширишни – пул тўплаб, унчалик катта бўлмаган фермани сотиб олишни ўйлайди. У ўзининг сирдош дўсти Ленни билан бирга фермани бошқариб шу ерда яшашни

хоҳлайди. Ленни ҳам фермада қачонлардир қуён боқишни ва у кунлар тезроқ келишини орзу қилади. У ўзининг кучли ва дағал бармоқлари билан дунёда нимаики юмшоқ ва момик нарса борки, “эркалатиб сийпалаш”ни жуда яхши кўради. Унинг мана шу “одати” туфайли улар ҳамиша қийин аҳволга тушиб қоладилар. Жорж эса доим унга бу ҳолатларда ёрдам бериб қўллаб юборади. Ленни ҳам Жоржнинг насиҳатларига амал қилишга интилади. Китобхон Жорж ва Ленни билан улар янги фермага келган куни танишади. Улар аввалги маконларидан, ўз ҳаракатларига жавоб бера олмайдиган Леннининг “қизиққон” ҳатти-ҳаракатидан сўнг кетишга мажбур бўлган эдилар. Жорж ўзининг бор кучи билан Ленини янги “кўнгилсизлик”лардан сақламоқчи бўлади, лекин ҳаёт Ленининг олдига янги-янги муаммоларни кўндаланг қўяди. Бу муаммоларни Ленининг ўзи ҳал қилиш имкониятига эга эмас, Жорж эса керакли дақиқаларда ҳамиша ҳам унинг ёнида бўла олмайди. Янги фермада ҳам Ленни бирин-кетин муаммоларга йўлиқади. Ниҳоят ҳаммаси фожеа билан якунланади: Ленни ўзи хоҳламаган ҳолда хўжайинни ўғлининг хотинини дунёдан ўтишига сабабчи бўлади. Қилиб қўйган ишидан қўрқувга тушиб, олдиндан шартлашилган жойда Жоржни кута бошлайди. Жорж Ленини қоймайди, чунки, у ферманинг ишчилари Ленини топиши биланок унга қатл хавф солаётганини яхши билади. Таъқиб доираси тобора тораяди, санокли дақиқалар қолганда, Жорж ўзининг титраётган қўли билан дўстининг курагига қараб ўқ узади. Жорж ва Ленининг хусусий ферма борасидаги орзулари шундай тарзда якун топади.

Ленни образи ўз моҳият эътибори билан асардаги бошқа персонажлардек унчалик кўзга ташланмайди. Унинг тафаккур дунёси чекланган. Ҳаттоки, у ўзининг ҳатти-ҳаракатига жавоб ҳам бера олмайди. Жорж билан бўладиган ҳар бир мулоқотида у қуёнчалар ҳақидаги саволини тинмай такрорлайверади. Жорж ҳам ферма ҳақидаги орзулари билан Ленининг қуёнчалар ҳақидаги саволларини омухта қилиб юборади. Жорж ўзининг хусусий фермаси бўлиши учун каттагина пул керак бўлишини яхши тушунади. У ўз орзусига эришиш учун меҳнат қилиши лозимлигини ҳам билади. Унинг дўсти Ленни бундай тафаккур қилишдан бенасиб – у фақат

жим юрсагина Жоржнинг фермасида яшаб, қуёнчаларини боқиш имкониятига эга бўлишини тушунади. Бу икки дўстнинг бу орзусидан тасодифан бохабар бўлиб қолган, кекса хизматкор уларнинг орзусига шерик бўлишни хоҳлаб қолади. Оғилхонада яшовчи қора танли отбоқар эса, Леннига уларнинг бу орзуси сароб эканлигини, Жорж бир кун келиб Леннини ташлаб кетишини айтади. Ленни қари хизматкорнинг бу гапини эшитиб, ҳавотирга тушиб қолади. Жорж эса, Леннини ҳимоя қилиш пайида юради. У Леннига ҳамиша жим юришни, биров бир гап сўраса ҳам жавоб бермаслигини уқдиради. Аммо, оғилхонада у тасодифан ферма хўжайинининг келинини кўриб қолади. Бу аёл эркак зоти борки, уларнинг барчасини изидан боради. Улар билан суҳбатлашишни истайди. У ўзининг шу қилиғи билан эрининг жаҳлини чиқаради. Эри ҳам доимо хотинини излаб, хизматкорлар яшайдиган уйга тез-тез бориб туради. Фермада ишловчи хизматчилар бир кун келиб, хўжайиннинг ўғли билан улар ўртасида жанжал чиқишидан ҳавотирга тушадилар. Шундай жанжалларнинг бирига тасодифан, Ленни ҳам араллашиб қолади. Унга хўжайиннинг ўғли савол билан мурожаат қилганида Ленни, худди Жорж таъкидлаганидек жавоб бермайди. Унинг жавоб бермаганидан жаҳли чиққан хўжайиннинг ўғли Леннини дўппослай бошлайди. Ленни кўзларини Жоржга тикканича, индамай калтак ейди. Буни кўриб чидай олмаган бошқа хизматкорлар уларни ажратишга тушишади. Аммо, улар хўжайиннинг ўғлини тўхтата олмадилар. Шунда Жорж Леннига қараб: “Ур уни, Ленни!”, деб бақиради. Ленни ферма хўжайинининг ўғлини урушга мўлжаллаб кўтарилган қўлини ушлаб маҳкам сиқади. Натижада, хўжайиннинг ўғлини қўли синиб, мажақланиб кетади. Бу ҳолат Жорж ва Леннини ташвишга солади. Энди улар ўзларининг тақдири нима бўлишини билолмай, ферма ҳақидаги орзуларини амалга ошишига бу воқеалар тўсқинлик қилишини ўйлаб ғамгин бўладилар. Эрининг қўли синганини эшитган хотини бу ишни Ленни қилганлигини фараз қилади. Чунки Ленни фавқулодда кучли, анчайин келбатли йигит эди. Оғилхонада улар ёлғиз учрашганида, Жорж шаҳарга кетган, қолган хизматкорлар эса зиёфат қилаётган бўлади. Леннининг анча довдир эканлигини сезган хўжайиннинг келини унга ўзига яқинроқ

ўтиришини буюради. Ленни ўзини ноқулай сезади ва унинг бу иши Жоржни ранжитиши мумкинлиги ҳақида ўйлайди. Аммо, унинг кучли эканлигини кўрган аёлнинг ўзи унга яқинроқ келиб ўтиради. У Леннига фақат суҳбатлашиб ўтирамиз деб яқинлашади. Унинг Леннига яқинлашиб: “Сен дунёда нимани кўпроқ яхши кўрасан?” деган саволига у: “куёнларни” деб жавоб беради. Ленни уларни момиққина жунидан сийпалашни ёқтиришини айтади. Шунда аёл унинг қўлини ўз сочлари томон олиб боради. Ленни аёлнинг муддаосига тушунмай, унинг сочларини силай бошлайди. Бора-бора бу сийпалаш даҳшатли тус ола бошлайди. Ленни ўзини унутиб, аёлнинг қаршиликларига қарамай, унинг сочларини қаттиқроқ сийпалаб торта бошлайди. Бироздан сўнг уни ўлганини кўриб, Ленни қочиб кетади.

Шаҳардан келгач, Жорж Леннини қидириб уни ҳеч қаерда йўқлигини пайқаб қолади. У оғилхонага Леннини ахтариб кирганида, оғилхонанинг чеккасида сомон ва хашак тўшалган жойда хўжайиннинг келинини кўриб қолади. У жонсиз бўлиб, бўйни синган эди. Жорж бу иш Леннининг иши эканлигини дарров фаҳмлайди.

Дарҳол ҳамма хизматкорлар оёққа туради. Улар Леннини топиш учун қишлоқ атрофларини излаб кетадилар. Қўли синган хўжайиннинг ўғли Жоржни ҳам ўзлари билан бирга қидириш ишларига жалб қилади. Бир вақтлар Жорж Леннига агар бирор ишқал чиқиб қолса, қишлоқ атрофидаги чакалакзорга келиб яшириниб ўтиришни буюрган эди. Жорж қидирувчиларнинг кўзини шамғалат қилиб, олдинга кетиб қолади ва чакалакзорда ўтирган Леннини топади. Ленни қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлиб ўтирган бўлади. Ҳар сафар бирор ишқал чиқарганида Жорж Леннига дакки берар эди. Бу сафар эса Жорж уни юпатади. Ленни ҳам унга ҳайрон бўлиб тикилади ва нега уни қойимаётганини сўрайди. Жорж эса, Леннига ферма ҳақидаги орзуларини айта бошлайди. Бу ҳикоя тугар-тугамас Жорж хизматкорлардан биридан ўғирлаб олган тўппонча билан Леннини отиб ташлайди. У дўстини бошқа биров отишини истамас эди. Мана шу тафсилот қиссанинг асосини ташкил қилади. Шу кичкинагина сюжетга Стейнбек жуда катта деталларни жойлаштира олган.

Биз бу бўлимда таҳлилга тортганимиз Стейнбекнинг “Сичқонлар ва одамлар ҳақида” қиссаси ўзининг ижтимоий аҳамияти ва айниқса таъсирчанлиги билан бошқа қиссалардан ажралиб туради. Стейнбек бу асари билан ўзининг тенгсиз маҳоратини намоён қилди. Жуда ҳам оддий кўринган бу қиссанинг моҳияти анча чуқур ва кўламдор ҳисобланади.

1.3. “Самовий кулбалар” романидаги ҳикояларнинг бадиий таҳлили

Ўзини романнавис ва қиссанависликда синаб кўрган ва бу борада анчайин шуҳрат қозонган Жон Стейнбек бир қанча ҳикоялар муаллифи ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб ҳикоялардан энг машҳурлари “Қотиллик”, “Совға”, “Жаноб Хоганнинг банкни ўмариши” ҳикояларидир. Унинг “Ҳайбатли тоғлар” ҳикоялар тўплами 1963 йили(33.2-1), “Карвон” ҳикояси 1997 йили(34.2-2), “Жавоҳир” ҳикояси эса 2001(35.2-3) ва 2009(36.2-4) йиллари ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилган.

Стейнбекнинг ўзига хос “ҳикоялардан таркиб топган роман”и – “Самовий кулбалар” асари шакли ва структурал тузилиши жиҳатидан ҳам тадқиқ қилишга арзийди.

1932 йили феврал ойининг охирларида “Кейп энд Смитс” нашриётидан кузда “Самовий кулбалар” романи нашр қилиниши ҳақида Стейнбекка хабар келади. “Мен жуда севиндим, - деб ёзади Жон дўстига, - лекин ўзим учун эмас, балки ота-онам учун. Улар учун бу жуда муҳимдир. Отам елкаларини учириб қўйди, онам эса, гўё нур сочмоқда...”(37.2-8:8).

“Самовий кулбалар” 1932 йилнинг кузида дунё юзини кўрди. “Ҳикоялардан иборат роман” шаклида ёзилган китоб на кенг китобхонлар оммасини ва на танқидчиларнинг диққатини ўзига жалб қилди. Кўпчилик бу асарни ҳикоялар тўплами деб қабул қилди. Ҳикоялар эса фақат бир ҳолатдагина, у ҳам бўлса уларнинг муаллифи машҳурликка эришган бўлсагина шуҳрат қозониши мумкин эди.

Ўзининг янги китоби мазмунини тушунтирар экан, Стейнбек унда тасвирланган воқеалар ҳаётдан олинганини таъкидлайди. Унинг ўзи Самовий кулбалар номини олган водий аҳолисини шахсан

танирди. У ерда истикомат қиладиган йигирмата оила тинч-тотув ва аҳил яшаганлиги сабабли ҳам водийга шундай ном беришган эдилар. Бир куни бу ерга қайсидир бир фермадан янги оила кўчиб келади. Улар оддий, саводсиз лекин анчайин ҳалол одамлар эди. Бу оила кўчиб келгач, худди бу ернинг аҳолисига офат келгандек, водийдаги ҳамма нарса ўзгариб кетди. Ана шундан кейин жанжаллар бошланади, иккита қотиллик ва битта ўз жонига қасд қилиш ҳолати юз беради. Ҳар иккала ҳолатда ҳам янги келганлар аралашган бўлиб чиқади. Ёзувчининг фикрича китобнинг қисқача мазмуни шундан иборатдир. У ҳар бир ҳолатни алоҳида бир тафсилот сифатида тасвирлайди. Барча тафсилотлар янги келган оиланинг қатнашуви билан бир ипга боғланади.

Китоб жуда оддий ёзилган бўлиб, уни таркибидаги тафсилотлар бир қараганда Самовий кулбалар водийсининг фермерлари каби жуда оддий ва пухта ўйланмаган. Мана масалан, Пэт Хамберт - яқиндагина ота-онасидан айрилган ва биринчи маротаба ўзини ва ўзгаларни ҳаётига ўз кўзи билан қарашга мажбур бўлган қирчиллама йигит. У ёлғизликдан азият чекади ва нима эвазига бўлса-да, ундан қутилишга ҳаракат қилади. У маҳаллий масон ложасига аъзо бўлади, уни мактаб кенгашига сайлайдилар. Хамберт ўзига ишонч билдирилган ва топширилган ишларни виждонан бажаради, аммо барибир ёлғизлигича қолаверади. Унинг ҳеч қандай ёрдамдан бўйин товламаслигидан қўшнилар фойдаланишади. У эса бунини сезмайди ҳам. У нима иш бўлсада қилишга тайёр, фақат кимсасиз уйига кириш муддатини узайтирса бас. Уйининг эса барча хоналари анчадан буён берк, уйнинг хўжайини барча бўш вақтларини ошхонада ўтказди. Уйнинг бошқа хоналари ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ уни қўрқувга солади. У ота-онасининг ўлиmidан сўнг ўтган ўн йиллардан бери бутун уйни қоплаган чанг ёки ҳамма бурчакларда осилиб турган улкан курумлар ҳақида ўйласа талвасага тушар, бу ўйни ҳайдаш учун нима қилишини билмай бефойда у ёқ, бу ёққа алангларди.

Аммо бир куни Пэт уйининг ёнидаги узумзорда ишлаётиб, янги кўчиб келган қўшнисининг қизи Мэйнинг: “Ойи, буёққа қаранг! Сиз бундай чиройли атиргулларни сира кўрганмисиз? Мана

бу каттакон уй Келлер тоғам бизга юборган почта откриткасидан чиқиб келганга ўхшайди. Ташқаридан шунча маҳобатли кўринса, уйнинг ичи бундан ҳам шинам бўлса керак. Қанийди уйнинг ичини ҳам бир кўрсак эди!”, деганини эшитиб қолади(38.2-8:9).

Худди шу дақиқадан бошлаб Пэтнинг ҳаётида туб бурилиш рўй беради. Шундан сўнг у шаҳар кутубхонасидан рекламага қўйилган уйлар тасвирини узоқ томоша қилади. Ажойиб кунларнинг бирида меҳмонхона эшигини туйқусдан ёпиб қўяди ва таъмир ишларини бошлаб юборади. Ҳар хил бемаъни саволлардан ўзини олиб қочиш мақсадида у барча ишларни яширин тарзда, ўз қўллари билан амалга ошира бошлайди. У ҳар куни қачон уй таъмирланаркин, қачон мен Мэйни уйимга таклиф қилар эканман деб ўй сураб экан.

Мана ҳамма иш ниҳоясига етди: деворларга янги гулқоғозлар ёпиштирилган, янги гиламлар тўшалган, қимматбаҳо мебеллар ҳам ўрнатилган. Пэт кўшнилариникига боради ва у ерда бир ҳафтадан сўнг Мэйнинг никоҳ тўйи бўлишини эшитади. У уйига кетади ва янги уйига киришга куч топа олмай сомонхонага кириб кетади.

Бу тафсилот билан Стейнбек, ўзининг бошқа ҳикояларидаги тафсилотлар каби оддий инсоннинг ўй ҳаёллари, орзу ва умидлари билан ҳаётнинг изми тўғри келмаслигига диққатни қаратади. Ёзувчи оддий воситалар ёрдамида Самовий кулбалар водийсидаги инсонларнинг бефойда ҳаракатини кўрсатишга ҳаракат қилади. Пэт Хамбертнинг ўз уйини таъмирлаши йўлидаги уринишларини нафақат унинг ўзининг, балки водий аҳолисининг барчасининг ҳам бефойда ва мақсадсиз уриниши эканлигини бўёқдор рангларда акс эттиради. “Самовий кулбалар” асарида кейинчалик ёзувчига машҳурлик ва шараф келтирган қирралари шаклланади. Энг аввало бу америка ҳаётининг биқик провинциаллиги ва бемаънилигининг реалистик тасвиридир. Стейнбек реализми китобхонлар кўз ўнгида америкалик танқидчи А.Кейзин ибораси билан айтганда, “замонавий америка ҳаётидаги тартибсизлик ва қўрқув”ни очиб берди. Худди шу маънода айтадиган бўлсак, Стейнбекнинг олдинги ижод намуналари яна бир машҳур америка реалисти – Шервуд Андерсоннинг китобларига ўхшашдир. Ўша даврда “Самовий кулбалар”да ҳикоя қилинган барча тафсилотлар бошқа бир калифорниялик ёзувчи

Фрэнк Норриснинг асарларидагидек, ўзига хос мистицизмдан холи эмас(39.2-8:9). Аммо бу мистицизм ажабтовур ва илоҳий мистицизм эмас, балки оддий инсон ҳаётини акс эттирувчи мистицизмдир. Масала бу ерда ушалмаган орзулар ҳақида эмас, балки қаҳрамонларнинг кичик дунёсидан бошқа ҳаёт мавжудлигидадир. Пэт Хамберт Мэйни ўз шахсий ҳаёти билан яшаётганини, унинг ҳаёти Пэтнинг ҳаётидан тубдан фарқ қилишини унутиб, уни ўз тасаввурида қандай кўрса ўшандай деб ўйлар эди.

Аммо, “Самовий кулбалар” романидан бошланган позитив доктринанинг қисқалиги қачонки, ёзувчининг идиллистик ранг-тасвирга ўтиши биланок, ўз замондошларининг реал ҳаёти тасвиридаги “дастлабки” ҳолатлар каби баҳоланади.

Буржуазия оламидаги шахс фожеасининг ижтимоий-тарихий шартлилиги “Самовий кулбалар” романи муаллифи томонидан тўлақонли равишда англаб етилмади. Шунга қарамасдан ушбу илк ишидаёқ у нисбатан кенгрок фалсафий ва ижтимоий фикрларни илгари сурди. Мана шуларнинг ўзи унга “жаннат” водийси ва унда яшовчилар ҳақидаги ҳикоянинг тор қолипни яратиш имконини берди.

Бу бўлимда биз таҳлилга тортганимиз “Самовий кулбалар” асари ўзи жанр нуқтайи назаридан роман деб аталсада, структурал жиҳатдан ҳикояларга бўлинган. Бу нарса уни роман-ҳикоя, ҳикоялардан таркиб топган роман деган номларни олишига сабаб бўлган. Асардаги ҳикояларни алоҳида олиб кўрсангиз бу номлар беҳудага берилмаганига ишонч ҳосил қиласиз. Айрим тадқиқотчилар томонидан эса, бу асарни ҳикоялар тўплами эканлигини исботлашга уринганлари маълум. Аммо, бу масаланинг иккинчи томонидир. Биз энг аввало асарнинг шаклий тузилишига эмас, балки унда илгари сурилган ғоялар, ёзувчи дунёқарашининг бадиий инъикоси, сюжет, мотив ва образлар рангбаранглиги каби омилларга диққатни қаратамиз. Адабиётшуносликнинг муҳим шартлари нуқтаи назаридан олиб қаралса, мазкур асарнинг мазмуни ижтимоийлик касб этган. Ижтимоий урғунинг берилиши, ўша даврдаги ҳаётий воқелик билан боғлиқдир. Салинас водийсида кечган воқеалар, у ернинг аҳолисининг турмуш тарзи ва ўй-фикрлари ҳам АҚШнинг бошқа

минтақаларида кечаётган воқеалар, ўша ер аҳолисининг турмуш тарзи ва ўй-фикрлари билан айнан ўхшашдир.

Жон Стейнбек ўзининг мана шу типдаги асарлари билан америка аҳлининг ўзини ўзи англаши ва маданий, маънавий оламини бойитиши ишларига жуда катта ҳисса қўшган ёзувчи ҳисобланади.

Биринчи боб буйича хулосалар

Жаҳон халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар XVIII асрнинг иккинчи ярмидан сўнг, кенг миқёсда ривожлана бошлади. Бу жараён бир-биридан узоқ минтақалардаги халқлар бадий адабиётларининг ўзаро алоқалари, таъсири кучайишига омил бўлди ҳамда жаҳон маданиятининг сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтарилишини таъминлади.

Ушбу янгиланиш, ўзгариш ўша давр адабий жараёнида тўла англаб олинган эди. Бунга машҳур немис шоири Гёте ўзининг ижобий муносабатини билдириб, илк маротаба “жаҳон адабиёти” атамасини истеъмолга киритганди.

“Жаҳон адабиёти” тушунчаси кейинчалик барча миллий ва минтақавий адабиётларни бир-бирига боғлайдиган атамага айланди. XX аср сўнгида ушбу атама янги хусусият касб этиб, “жаҳон адабиёти” тушунчасидан “умуминсоний адабиёт” тушунчаси сари ўзгариб борди(40.1-19:3). Бироқ бу янги жараённинг юзага келаётгани назарий жиҳатдан ўз вақтида илғаб олинмади. Зеро бир-биридан узоқ, турли минтақаларда жойлашган мамлакат ва халқларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари фаоллашуви жаҳон адабиётидан умуминсоний адабиётга ўтишга рағбатлантирувчи омил сифатида хизмат қилди ҳамда миллий адабиётларнинг ўзаро алоқада бойиб боришида, ўзаро таъсир жараёнларида акс этмасдан қолмади. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб савияси юқори таржималарнинг кўпайиши, ҳорижий тилларни кенг кўламда ўрганиш, янги методологияларга бой адабиётшунослик илмининг юзага келиши умуминсоний адабиётнинг шаклланишида рағбатлантирувчи воситага айланди. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг 60-70 йилларида ғарб мамлакатларида юзага келган “янги адабиётшунослик” (Р.Барт, Ц. Тодоров, Ю. Кристева ва бошқалар) тилларни бадий матн таҳлили ва талқини орқали

чуқурроқ тушуниш ҳамда ўзлаштиришда етакчи тамойил сифатида бўй кўрсатди(41.1-10).

Мазкур жараёнда жуғрофий жиҳатдан бир-биридан йироқ минтақалар адабиётларининг ўзаро таъсири, шунингдек замонавий адабиётнинг қадим адабиёт билан узвий боғлиқлиги муҳим аҳамият касб этди.

Биз мазкур бобда шу имкониятдан фойдаланиб, Жон Стейнбекнинг роман, қисса ва ҳикояларини бадиий хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилдик. Ушбу бобда Стейнбек санъаткорлиги, унинг ижодидаги Калифорния мавзуси, таҳлил қилинаётган асарлардаги ижтимоий пафос масалаларига кенг ўрин ажратилди. Таҳлил хулосаларига кўра, дарҳақиқат Стейнбек асарлари XX аср америка насрининг бадиий юксак намуналари ҳисобланади.

ИККИНЧИ БОБ

ЖОН СТЕЙНБЕК ИЖОДИНИНГ МАТНИЙ-ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. “Жаннатдан шарқда” романининг лисоний таҳлили

Янги кишини шакллантиришда ғоявий, ахлоқий, нафосат таъсир кучини ўзида мужассамлаштирган бадиий асарга хос тасвирий воситалар, ўзига хос хусусиятлар ўқувчига тушунарли бўлган тақдирдагина унинг тарбиявий аҳамияти, таъсир кучи тўлиқ намоён бўлади. Бунинг учун эса бадиий асар тилини лисоний таҳлил қилмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин(42.1-10). Шу туфайли билим ўчоқларидан бадиий асар тилини таҳлил қилиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этиб, у тил ва адабиёт фанларини ўқитишда муҳим ва ажралмас тармоқ бўлмоғи керак. Чунки бадиий адабиётни ва адабий тилни ўрганиш бир – бири билан узвий боғлиқ бўлиб, адабиётнинг биринчи унсури бўлган тилни таҳлил қилмасдан туриб, шу бадиий адабиётнинг ғоявий бойлиги ва бадиий қийматини белгилаш қийин бўлади(43.1-10).

Тасвирийлик ва ҳиссийлик бадиий матннинг асосий хусусиятларидандир. Чунки ёзувчи табиий ва ижтимоий борлиққа нисбатан эркин муносабатда бўлиб, шу борлиқнинг моҳиятини очиб кўрсатиш мақсадида турли-туман луғавий бирликлар, бадиий образлар, адабий тилнинг тасвирий воситалари ва нозик қирраларидан тўлиқ фойдаланади.

Тилнинг ифода воситаларини, нутқни юзага келтирувчи сўз, сўз шакллари, сўз бирикмалари ва гап турлари матнни шакллантиришда асосий мезон саналади. Таржима асарларни ўрганганда, айниқса ҳеч қачон бир тилдаги бирон образли сўз иккинчи тилдаги худди шундай образли сўзга тўғри келавермайди. Тасвирнинг образлилигини бошқа тил воситалари билан қайта яратиш таржимондан катта санъат ва маҳорат талаб қилади.

Биз ушбу бўлимда Стейнбекнинг “Жаннатдан шарқда” романини лисоний хусусиятларига эътиборни қаратмоқчимиз. Жон

Стейнбекнинг “Жаннатдан шарқда” романи 1954 йили нашр қилинган(44.1-8). Роман ёзувчи ота-боболарининг Европадан Америкага – Калифорнияга келиши ҳақида бўлиб, муаллифнинг бадиий тафаккури натижаси ҳисобланади. Биз бу бўлимда ёзувчининг ўзи таъкидлаганидек, эътиборли асарларидан бири бўлган “Жаннатдан шарқда” романини лисоний жиҳатдан таҳлил қиламиз. Шунингдек, таҳлил жараёнида унинг бошқа асарлари ҳам у ёки бу даражада таҳлилга тортилади.

Стейнбек бу асарида бадиий матнни яратиш воситаси сифатида мифларга таянади. Бу воситаларнинг асосий концептуал тизими куйидагилардан иборат:

- Инсон ибтидосида илоҳий яралиш нуқтасининг мавжудлиги;
- Инсонда биологик ва руҳий зиддиятнинг мавжудлиги;
- Ўша зиддиятнинг мазмунини англаш йўлидаги уринишлар.

Таъкидлаш жоизки, асардаги интерпретатив жараённинг ва матннинг маъновий таркиби асосини мифлар ташкил этади.

“Жаннатдан шарқда” романи маъновий иерархик тизимини учта босқичга ажратиш мумкин:

- оилавий хроника;
- Салинас водийси ва унинг аҳолисининг тарихи;
- инсон табиати ҳақидаги фалсафий нақлиёт.

Романда Қобил ва Ҳобил ҳақидаги ривоятнинг келтирилиши, оламнинг яратилиши ҳақидаги ривоятларни тўлдиради.

Асарда Самуэл айтади:

"Two stories have haunted us from our beginning ... We cany them along us like invisible tails - the story of our original sin and the story of Cain and Abel" (45.1-7).

Кейинроқ бу фикрни Ли ҳам такрорлайди. У барча романлар ва бутун шеърийят эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш мавзусидаги ривоятлар билан ҳамоҳанг деб таъкидлайди:

"We have only one story. All novels, all poetry are built on the never ending contest in ourselves of good and evil. And it occurs to me that evil must constantly respawn, while good, while virtue is immortal. Vice has always a new fresh face, while virtue is vulnerable as nothing else in the world" (46.1-7).

Вазифасига кўра хизматкор ва лаёқатига кўра файласуф бўлган Лига – роман композициясида алоҳида вазифа юкланган: қаҳрамонларнинг ҳаракатини кузатиш ва бу ҳаракатларни умуминсоний қонунлар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, шунингдек, зарур пайтда улар ҳаракатини йўналтириш.

Унинг сўзларида, етакчи мотивлардан бирида акс этган муаллифнинг концептуал тизимидаги доминант мулоҳазалари – инсоннинг табиий ва руҳий мувозанати ифодаланади.

Мақсадга йўналтирилган матн жараёнида қарама-қарши қўйилган сюжет линияларида ўқувчи эски сюжетни – ингертекстуал алоқаларнинг реинтерпретациясини тафаккур қилади.

Роман сюжети шундай тузилганки, унда учта параллелизм эффекти намоён бўлади. Асосий сюжет линияларлари эса, ривоятлар модели асосида ривожланади. Ёзувчи “оламнинг сферик тушунчаси” образини қўллайди. Бунинг натижасида тарих ривоят сюжетининг давомли такрори сифатида акс этади. Шу тарзда мифологик жараён типик жараён билан қўшилиб кетади(47.1-2). Бу ҳолат, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра асарнинг энг характерли жиҳатидир.

Трасклар оиласининг икки авлоди - ака-ука Адам ва Чарлз, шунингдек, Адамнинг эгизак фарзандлари Арон ва Калеллардир. Бу ерда муаллиф яна Қобил ва Ҳобил муносабатлари фожеасига ишора қилади. Доимий акс этувчи интер ва интертекстуал алоқалар орқали катта типик умумийлик эффекти яратилади: Қобил барчамизда мавжуддир("we are all Cain's children") (48.1-7).

Аммо, Стейнбек ривоятлар матнларидан кўчирма келтирмайди, балки, уларни ўзгача интерпретация қилади. Энг аввало у, асар қаҳрамонлари орқали ривоятда келтирилган Қобилнинг шунингдек, Чарльз ва Калелларнинг ҳам, бинобарин бизнинг вужудимизда яшовчи Қобилларнинг ҳам ҳатти-ҳаракатларига жавоб излайди. Муаллиф ва унинг персонажлари фикрича, Қобил томонидан амалга оширилган ёвузликнинг сабаби бу – ота томонидан рад қилинган муҳаббатдир. Ли мана шу асосий фикрни такрорлайди:

"... most of the vices are attempted short cuts to love" (49.1-7).

Роман сюжетиға мустаҳкам ёпишган бу машҳур икки ривоятлардан иқтибос қилар экан муаллиф, бундан ҳам қоникмай Қобил ва Ҳобил ривоятини тўлалигича келтиради. Роман композициясидаги эгизакларга исм бериш мотивидаги сахнада ҳам ривоятнинг алоқасини кўриш мумкин.

Самуэль олти мисрадан иборат бутун ривоятни ўқийди. Бу табиий равишда матнга уйғунлашади. Биринчидан, китобхон уни қабул қилишга тайёр, иккинчидан, матн персонажларнинг шарҳлари билан бўлиниб туради. Тўғри маънода претекст билан диалог юз беради. Персонажлар томонидан ривоят матнини шарҳлаш, изоҳлаш ва муҳокама қилиш орқали ундаги яширин маънолар очилади. Матнга бундай интекстнинг тўғридан тўғри киритилиши, матн ва интекстга реципиентнинг олдиндан ўйлаб “боғланиши” ва натижада янги фикрларнинг пайдо бўлиши - уни интерпретатив майдон сифатида муаллиф учун долзарб эканлигидан далолат беради.

Булар Стейнбек концептуал тизимининг инсон ўзидаги ҳар қандай биологик ҳолатни енга оладиган ақл ва тафаккурға эгадир деган доминантларидан биридир.

Шундай қилиб, интекстнинг вазифаси – муаллифнинг ривоят талқинининг репрезентациясидир. Ривоятнинг марказий мисралари таржималарини қиёслаш орқали персонажлар, ривоятнинг маъноси инглизча таржимада ўзгарган деган хулосага келадилар. Бунда қадимги яҳудий тилидаги **"timshel"** сўзи қирол Иаков даврида чоп қилинган ривоятдаги инглиз тилида келтирилган “сен бўласан” деган маънони англатмайди(**"thou shalt rule"**). Ва америка нусхасида келтирилган “бошқар” (**"do thou rule"**) сўзини ҳам билдирмайди, балки “Сен гуноҳ устидан ҳукм юритасан”(**"Thou mayest rule over the sin"**) деган маънони англатади.

Ривоят иборасининг модал шаклни олиши катта аҳамиятға эгадир. Чунки, у нафақат ривоят мазмунини, балки романнинг мазмунини ҳам ўзгартиради. Инсон содир қилган гуноҳи учун умрбод айбдорлик ҳиссига маҳкум эмас, у гуноҳ устидан ҳукм юрита олади. Бу нарса унга буюклик ато этади, уни илоҳийлик даражасигача олиб чиқади.

Таҳлилларнинг натижаси кўрсатишича, романнинг вербал репрезентант тизими - муаллифнинг доминант компонентлари мазмуни, матн маънолари иерархиясининг алоҳида даражасини ташкил қилади. Чунончи, юқорида кўрсатилган компонентлар тўғри йўналганлиги ва суггестивлиги билан ажралиб туради.

Шундай қилиб ривоят матнидаги **"timshel"** сўзи романда иккита кульминацион нуқтани белгилайди: унинг ифодаси ва унинг 40 бетлик изоҳланган интерпретацияси. **"timshel"** сўзи роман маъновий доминантасининг репрезентантга айланади. Романнинг ўртасида биринчи марта пайдо бўлган бу сўз, сюжетнинг бир қанча зарур бурилишларида қайтарилади ва пировардида романнинг каттагина якуний позициясини эгаллайди: **"His whispered word seemed to hang in the air: "Timshel!" (50.1-7).**

Шу таҳлит роман якунида маъновий доминантаси орқали асар бошида юзага келган реципиент ўз ечимини топади. Бундан ташқари, у бизни бошланғич кучли позицияга – роман сарлавҳасига олиб келади ва мавзунинг маъносини реинтерпретиция қилади. Бир томондан ривоят аллюзиясини акс эттириб, иккинчи томондан, муаллифнинг доминант фикрини акс эттирган ҳолда турли маъновий майдонларни ҳосил қилиб сарлавҳа синкретлашади.

Сарлавҳадаги калит сўз маъносининг иррадиацияси натижасида сарлавҳа маъносининг ўзгариши юз беради. У амбивалентлашади ва ривоят доирасидаги интекстда худо Қобилни қувган жой – яъни, Стейнбек романининг мазмунидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугунги Қобиллар яшайдиган жой сифатида интерпретировка қилинади.

Роман сарлавҳасини рус тилига таржима қилишда бу амбивалентлик, афсуски, пасайиб кетади. Чунки, таржима қилишда икки вариант мавжуд: биринчиси, оригинал ривоятнинг мазмунига монанд *"Жаннатдан шарқга"* ва ривоят интерпретациясига асосланган, муаллифнинг фалсафий тафаккуридаги *"Жаннатдан шарқга"* сўз бирикмаларидир(51.1-8). Иккинчи вариант бизга ўзининг маънони тўлдириши билангина эмас, балки, матннинг муаллиф тафаккур тизимини кўпроқ адекват тарзда кўламдор ифодалайдиган бўлиб кўринади.

Шундай қилиб, ўзининг концептуал тизими мундарижасига асосланиб, ривоятга ўзининг шахсий изоҳини бериб, гоҳо унга таяниб гоҳо уни рад қилиб, муаллиф ўзининг долзарб ва ментал мазмуни репрезентировка қилиш имкониятига эга бўлиб, ривоятдан прецедент матн сифатида фойдаланади.

Ривоятдан фойдаланар экан Стейнбек, ўзи учун ва барча америкаликлар учун ҳам бирдек аҳамиятга эга маънавий бойликлар билан уйғун ҳолда изоҳлар экан, уни янги тарихий-ижтимоий контекста олиб кўради. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, эркин танлаш концепти америка менталитетининг марказий концептига киради: америка маданиятида озодлик бу М. Уайт таъкидлаганидек – биринчи галда танлаш эркинлигидир.(52.1-6).

Шундай қилиб, яна бир аҳамиятли ҳолат юзага чиқади: Стейнбек романининг доминант мазмуни конвенционал стереотипни намоён қилади. Бу эса матн структурасининг мақсадга йўналтирилганлигидан, реципиент томонидан адекват тушунилишидан далолат беради.

2.2. “Жавоҳир” қиссасининг лисоний таҳлили.

Бадиий матнда қўлланилувчи барча сўзлар тасвирий воситалар деб юритилади. Ана шу сўзлар ёрдамида адиблар асар мазмунини ва ғоясини китобхонга етказадилар, уларда шу тасвирланаётган воқеа – ҳодисага шахсий муносабат уйғотадилар.

Ёзувчи ўз асарига қаҳрамонлар, персонажлар ва ҳаётий унсурлар танлар экан, унинг бу иши доимо маълум мақсадга йўналтирилган бўлади. Шу сабабли адиб ҳар бир образга маълум маъно юклайди ва уни индивидуал сифатлар билан тасвирлайди, ана шу маъно, мақсадга хос сўзлатади, характерлантиради. Бунда ҳар бир лексик – стилистик унсур жуда муҳим рол ўйнайди(53.1-9).

Бадиий адабиёт ёш авлодни ахлоқий, ғоявий ва илмий дунёқарашини шакллантиришда муҳим рол тутди. Маълумки бадиий асар мураккаб лексик – семантик ва семантик – стилистик қатламлардан ташкил топган. Сўзнинг семантик ҳажми, сўзнинг мазмуни, маъно томони бир бутун яхлит ҳодиса эмаслиги барча тилшунослар томонидан тан олинган. Тилшунослар орасида қизғин

баҳсларга сабаб бўлган масала – сўз семантикаси элементларининг бир–бирига муносабати масаласидир.

Буни биз адабиёт соҳасидаги Нобель мукофотининг совриндори, XX асрнинг энг ёрқин адибларидан бири америкалик Жон Стейнбекнинг “Жавоҳир” қиссаси ва унинг русча, ўзбекча таржималари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Асарни рус тилидан ўзбекчага Амирқул Каримов таржима қилган.

“Жавоҳир” қиссасида Жон Стейнбек инсон озодликдан маҳрум, мустамлакада ва мустабид тузумда яшаганда тасодифан ҳаётига кириб келган кулфат ва бойлик уни қай кўйларга солгани ҳақида ҳикоя қилинади. Асардаги самимий ҳарорат, ҳиссий ёлқин илк сатрларданоқ сизни ўз оғушига олади. Бош қаҳрамон Кино қалб қулоғи билан илғаган куйни асар охиригача сиз ҳам эшитиб, у билан барча оғир ва сархуш дамларни бирга кечирасиз, беихтиёр Сиз ҳам ўз ҳаётингиз давомида ҳамроҳ бўлаётган, ҳанузгача ўзингиз англамаган муқаддас ўз куйингизни кашф этасиз.

“Кинолар оиласи қашшоқликда умр кўришади – уларнинг бор бисоти қамишдан ясалган кулба-ю, эски қайикдан иборат. Оиланинг ягона қувончи жажжигина Койотитодир. Бироқ, камбағални туя устида ҳам ит қопганидек, болани чаён чақиб олади. Кино ва унинг хотини, ҳамдард кўни–қўшнилари ҳамроҳлигида Койотитони шаҳарга, оқ танли докторга олиб боришади, бинобарин у қамиш кулбалардан иборат қишлоққа асло қадам қўймайди.

Шаҳардаги “Тош ва ғиштдан ясалган уйларда яшовчи бойларни даволаб, ўшаларни аранг эплайётган” доктор эса болага қарашдан бош тортади”.

Шунда ўзбек таржимони қуйидагича таржима қилади:

“... мен мол дўхтири эмас, врачман”(53.2-4:11).

Бунда оддий халқ тилидан фойдаланилганлигидан таржима жонли ва таъсирли чиққан.

Русча таржимада эса гап аслиятдагидек таржима қилинган:

“Я врач, а не ветеринар”(54.2-15)

Аслиятда эса Стейнбек “ветеринар” сўзидан фойдаланган эди:

“I am a doctor, not a veterinary”(55.2-21:3,4).

Баъзан таржимон аслиятдаги сўзни сақлаган ва у транслитерациядан фойдаланган.

“... Бироз пулька ҳам ичди”(56.2-4:11).

Русча таржимада бу қуйидигича берилган:

“И ещё он выпил немного пульку...”(57.2-15).

Аслиятда ҳам худди шу сўзнинг ўзи қўлланилган:

“... And he drank a little pulque...”(58.2-21:3,4).

“Жавоҳир” қиссасининг бош қаҳрамони Кино денгиз остидан топиб олган дунёдаги энг катта, яъни энг қимматбаҳо марваридни қайта сувга улоқтириб юборади. У хотинига тошни улоқтириб юборишни буюрганида Хуана унга бундай жавоб беради:

- "No, you"(59.2-21:71).

Ўзбек таржимони бу сўзларни қуйидагича таржима қилади:

-Йўқ, ўзинг...(60.2-4:75).

Бизнингча, ўзбек таржимони Хуананинг бу жавобидан сўнг уч нукта қўйгани, Хуанада кечаётган ички рухий изтиробни янада ёрқинроқ ифодалайди.

Кўрсатилишича бадиий адабиёт ва бадиий тил бир – бирлари билан узвий боғланган ҳодисадир. Муаллиф бадиий адабиётга хос белгиларни кўрсатиб, тасвирийлик ва ифодалилик бадиий адабиётга хос белгилар деб ифодалайди. Шундай экан бадиий адабиётни ўрганиш, таҳлил қилиш, изланиш албатта замон руҳига мосдир.

Бу бўлимда тилнинг ифода воситалари, нутқни юзага келтирувчи сўз, сўз бирикмалари ва гап турлари матнни шакллантиришдаги асосий мезон эканлигини ҳақли равишда илмий ифодаланган. Сўзни материал структураси ўзгариб тургани каби, унинг семантик таҳлили ҳам доим ўзгариб турадиган ҳодисадир.

Машҳур тилшунос Фердинанд де Соссюр таълимотида келтирилганидек сўзнинг мазмун томони кўпинча бирдан ортиқ дискрет маънолардан иборат бўлади. Бу маъноларни лексик, стилистик, семантик ва бошқа турли услублар билан ўрганиш илмий лингвистик адабиётларда кўрсатиб ўтилган.

Кўринадики тилнинг ифода режаси қай даража мустақил бўлса, унинг мазмун режаси, структураси ҳам шу даражада мустақилдир(61.1-12).

Хулоса қилиб айтганда асарда ишлатилган ҳар бир сўз асарнинг қийматини белгилайди. Шу сўзларни лисоний таҳлил қилиш орқалигина асарнинг ғоявий бойлигини ва бадиий қийматини аниқлаймиз.

“Жавоҳир” қиссасининг лисоний таҳлили шуни кўрсатдики, асарни ўзбек тилига таржима қилишда таржимон Амиркул Карим ўзининг таржимонлик маҳоратини кўрсата олган. У айрим ўринларда инглиз тилида ифодаланган сўзнинг русча таржимасига қараганда, ўзбекча таржимада тўлиқроқ ифодалай олган. Бунда у сўз танлашга, сўзнинг семантик маъносига ва бадиий жарангдорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратган.

2.3. “Американи излаш йўлида Чарли билан саёҳат” очеркининг лисоний таҳлили

Бу очеркни лисоний таҳлил доирасига тортар эканмиз, асардаги бир муҳим жиҳат эътиборимизни жалб қилди. У ҳам бўлса, асарда мифологик матнларнинг келтирилиши бўлди. Бу хусусият мифологик матн ва уни бадиий матнда акс этишидаги услубларни таҳлил қилишни тақозо қилди.

“Американи излаш йўлида Чарли билан саёҳат” очерки 1962 йили ёзувчининг ўлиmidан сал олдин ёзилган асардир(62.2-22). “Американи излаш йўлида Чарли билан саёҳат” очерки рус тилига таржима қилиниб бир неча мартаба нашр қилинган.

Кундалик тарзида ёзилган “Американи излаш йўлида Чарли билан саёҳат” китобида Ж. Стейнбек сўнгги бора ўзининг “кичик” ватани образини беради. Дастлаб ёзувчи Калифорнияни ўзининг болалик таассуротлари призмаси орқали кўрсатиб беради, кейинчалик эса, унинг нигоҳи бугунги кунга қаратилади(автор охирги бир неча йиллик сафардан сўнг яна она ватанига қайтиб келган эди). Стейнбек таассуф билан Томас Вулфнинг «уйга қайтиш йўқ» деган ақидаси билан келишишга мажбур бўлади – ёзувчи яхши билган ва севган Калифорния яшашдан тўхтаган эди. Мазкур китобнинг бадиий олами субъектив ва бир вақтнинг ўзида ҳам муваққат ҳам абадий, демакки, “диалектик қарама-қаршилик бирлигига” асослангандир.

Стейнбек томонидан романда ифодаланган ривоятлардаги тасвирий воситаларнинг сони унчалик кўп эмас, аммо улар романнинг маъновий доминантини етказишда бошқа матний воситалар билан иштирок этиб, керакли вазифани бажарадилар.

Ривоятларда учрайдиган асосий тасвирий воситалардан бир метафорадир. Чунки, айнан “метафора тил структурасининг барча асосий қисмларида маъно ҳосил қилувчи анчайин маҳсулдор усуллардан биридир.

Биз Стейнбек томонидан қўлланилган ва ривоятлар таркибида учрайдиган тасвирий воситаларни кузатишни мақсад қилдик. Образнинг ташқи структураси ўзгарганми ёки йўқми? Троп ўзининг кўринишини сақлаб қолганми ёки унинг матний трансформациясида лексик-семантик емирилиш юз берганми? Ва энг асосийси, тропнинг матндаги вазифаси қанақа? Бу саволларга жавоб олиш ҳар қандай стереотипни интертекстуал восита сифатида реализация қилиш шарти билан маъновий доминантасини сақлаш шаклий-таркибий трансформациясини исботлашга имкон беради. Худди шу мақсадда биз ривоят ва романдаги тасвирий воситалар қўлланилган контекстларни қиёслаймиз.

Стейнбекни гоҳо ривоятларни сохталаштиришда айблашади, лекин у ривоятни янги тарихий контекстда ўқийди. Мана шу асосда америка менталитетига, америка орзусига монанд янги ривоят яратади. Ушбу янги ривоят кейинчалик Стейнбекнинг бошқа асарларида жумладан, унинг “Американи излаш йўлида Чарли билан саёҳат” романида ривожлантирилди.

Таҳлилнинг навбатдаги босқичи ривоят изларини маъновий жиҳатдан тадқиқ қилишдан иборатдир. Бунда биз романнинг доминант маъносини очиб берувчи ривоятлардаги сўз ва иборалар, тасвирий воситалар ва антропонимларни таҳлилга тортамыз.

Романдаги мифологик антропонимлар уларнинг семантик иккиликка эгаллигини аниқ кўрсатади. Романдаги мифологик антропонимлар персонажлар онгининг синкретизминини ҳосил қиладиган, уларни бир вақтнинг ўзида қўшалок оламга: Ҳаракатдаги олам, яъни романда ифодаланаётган реал оламга ва Боқий оламга,

яъни романнинг туб негизини ташкил қилган мифологик оламга мансублигини билдирадиган фикр уйғотувчи зарурий функцияни бажарадилар. Бу ерда Стейнбек ва унинг қаҳрамонлари учун ягона реал бўлган турдош олам – эътиқод Олий онг сифатида акс этадиган олам назарда тутилади дейилса, тўғрироқ бўлади.

Стейнбек ижодининг тадқиқотчилари романдаги антропонимларнинг яна бир хусусиятини ажратиб кўрсатадилар: график даражада актуаллашган, контраст принципига кўра ташкил бўлган антропонимлар:

Cain - Abel; Cyrus - Alice; Charles - Adam; Cathy - Adam; Caleb - Aaron (63.2-22).

Юқоридаги персонажлардан қайси бирининг исми С ҳарфи билан бошланса, ёвузлик билан; А ҳарфи билан бошланса, эзгулик билан рамзий равишда боғлиқлигини билдиради. Образлараро боғлиқликни кўрсатар экан, Стейнбек, доимий равишда эзгулик ва ёвузликни ифодаловчи образларни бир-бирига таққослайди ва ўзаро қарши қўяди. Мана шундай ҳам маъновий жиҳатдан, ҳам график жиҳатдан бевосита қарама-қарши қўйилиш мифологик онг учун характерли бўлган иккита принципда намоён бўлади:

1. такрорланувчи даврийлик принципи;
2. бинарлик принципи.

Матнда кўплаб учрайдиган бундай сўзларнинг аксари янги маъно касб этиб, претекст билан боғланиши ҳисобига семантик бойиши натижасида пайдо бўлади. Ва улар стереотип ва турғун таркибнинг мифологик белгиси ҳисобланади.

Романнинг маъновий доминантини ташкил қилувчи **"timshel"** калит сўзи ва улар англатган концептлар, шунингдек, семантик характериға кўра, улар ўзаро боғланган маъновий майдонга гуруҳланган бўлиши мумкин. Л.М.Босоваға эргашган ҳолда, маъно майдони узра биз “Лексик репрезентирлашган, актуал(доминант) маънонинг функционал тизимини” (64.1-7) англаймиз.

Шу тарзда маъно майдонини ҳосил қилувчи бир-бириға қарама-қарши қўйилган асосий концептлар қуйидагича номланади:

good - evil. God - devil, heaven - hell, love - hate, life - eath(65.2-22).

Бу концептлар ўзида мифологик асосда ётувчи етакчи архетипларни ифодалайди.

Келтирилган концептлар рўйхати чегараланган эмас. Бир томонлама уни романнинг маъновий доминантининг асосий компоненти сифатида умумийлик даражасига кўра иккисини ажратиш мумкин:

good – evil(66.2-22).

Бошқалари бу ҳолатда ундан ясалган деб қаралади. Бошқа тарафдан яна кенгайиш ва бир неча концептларнинг тортилиши мумкин. Масалан:

virtue -vice; light- dark ва ҳ.к.,

Ҳосил бўлган маъновий майдон – принципиал структура ёпик эмас. Ундаги барча элементлар, шу жумладан, периферик ассоциативлар, уларни маъновий доминанта билан бирлаштирувчи интегратив компонент ҳосил қиладилар.

Шу тарзда, келтирилган концептлар орқали ҳосил бўлган маънолар майдони ўзаро кўпсонли, ҳар хил йўналишда боғланади. Ҳар қайси майдоннинг марказида концептнинг интегратив компонентини ҳосил қилувчи лексема ётади. Майдоннинг қолган ҳудудига ассоциатив алоқанинг турли типлари билан боғланган компонентлари киради. Масалан, **"evil"** маъновий майдони қуйидаги лексик бирликларда акс этади:

hate, dark, kill, danger, anger, scar, murder, jealousy, guilt, suspicion, rage, black, contempt, gift, fierceness, revenge, rejection, fury, punishment, serpent(67.2-22).

"God" маъновий майдони эса - **love, light, believe, sin, punishment, gift, glory, heaven, reward, faith, good, angel, sacrifice, holy, bless, soul, peace, forgive** лексик бирликлари билан ифодаланади.

Биз маъновий майдонни ассоциатив эксперимент натижаларини жалб қилмасдан, роман контекстининг таҳлилий тадқиқоти асосида амалга ошираётганимизни алоҳида таъкидлаймиз. Шу сабаб биз томонимиздан ажратилиб кўрсатилаётган маъновий майдоннинг маълум бир лексик қисми албатта, ассоциатив эксперимент

натижаларига кўра тузилган аъло даражадаги маъновий майдон моделидан фарқ қилади.

Ажратилган маъновий майдон ўзининг чегараларини диффузияси билан маънонинг континуаллиги ва концептуал жойлашувининг шартлилиги билан характерланади.

Маъновий майдонни ифодалаган лексемалар ўзлари ифодалаган маъно ва турли ассоциатив алоқаларига кўра бир неча майдонларга мансуб бўлиши мумкин.

Масалан, **"love"** лексемаси “муҳаббат” маъновий майдонининг марказини ташкил қилиши билан бирга, сабаб-оқибат алоқасининг ассоциатив асосга кўра **"evil"** маъновий майдонига ҳам киради. Бу ҳолатда болаларнинг ножўя ҳатти-ҳаракатига уларни ота-она меҳридан узоқ бўлганлиги сабаб бўлади. Маъновий сабаб-оқибат ассоциатив занжири қуйидагича боғланади:

rejected love —> anger —> jealousy —> murder —> sin —> punishment.

Конвенционал ассоциатив майдон билан мотивацион алоқаларни сақлаб қолган - мифологик сўзнинг ишлатилиши эмас, балки ундан ясалган сўзнинг ишлатилиш ҳолати қизиқиш уйғотади. Масалан, романнинг биринчи бобидаги Салинас водийсида ўсадиган гулларнинг тасвирлашда Стейнбек, **"sinful"** ясама сўзини қўллайди:

"Then there were harebells, tiny lanterns, cream white and almost *sinful* looking , and these were so rare and magical that a child, finding one, felt singled out and special all day long" (68.2-22).

Ушбу сўз ёрдамида биринчи маротаба инсоннинг гуноҳкорлиги концепти актуаллашади. Кейинчалик бу концепт, романнинг доминантларидан бирига айланади. **"sin"**(гуноҳ) сўзи асар матнида 37 марта қўлланган.

Стейнбек томонидан романда ифодаланган ривоятлардаги тасвирий воситаларнинг сони унчалик кўп эмас, аммо улар романнинг маъновий доминантини етказишда бошқа матний воситалар билан бирга иштирок этиб, керакли вазифани бажарадилар.

Ривоятларда учрайдиган асосий тасвирий воситалардан бири метафорадир. Чунки, айнан “метафора тил структурасининг барча асосий қисмларида маъно ҳосил қилувчи анчайин маҳсулдор усуллардан биридир.

Стейнбек ривоятда келтирилган метафорани бир иборага жамлаб трансформация қилади: **fruit** ва **loins**. Бу ҳолат троп кўринишини ва унинг ўзини маъно мундарижасини сақлашидаги тасвир ташқи структурасининг ўзгаришига олиб келади.

Стейнбек қўллаган ва ривоятлар тасвир воситаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, уларнинг асосий функцияси персонажларни тавсифлашдан иборатдир. Бинобарин, ҳар бир характер ортига бир ёки бир неча мифологик символлар яширинганки, улар матнга мустаҳкам ўрнашган бўлади. Чунки, бадий матн – бу қоидага кўра, "метафорик маъноларнинг ўзаро шартли тизимидир".

Персонажларнинг тавсифи ривоятларни конвенциал компонентларини специфик қўллаш йўли билан амалга оширилади. Ҳар бир шундай компонент ривоят концептини роман персонажлари орқали келтириш мумкинлигини реципиентга зарурлигини англатиб, баъзи мифологик мундарижани ташкил қилади.

Ривоятлардаги метафорани матнда акс этиши шуки, улар персонажнинг ўзига хос маркерига айланадилар.

Масалан, Самуэл образи ривоятлардаги “ёруғлик” ва “қудуқ” символлари билан уйғунлашади. "Ёруғлик" концепти донишманд тушунчасини ва инсондаги ёруғ бошланишни ифодалашга хизмат қилади. “Қудуқ” лексемаси эса иккита "учрашув жойи" ва "ҳаёт манбаи" деган метафорик маънони англатади. Мазкур персонаж образида иккита метафорик маъно ўрин олган: ўзининг ҳислати туфайли сув топган ва қудуқ қазиган Самуэл, жуда кўп инсонлар билан учрашади ва улар учун сув топиб беради, моддий фаровонлик келтиради. **"Mark"("scar")** метафораси эса романдаги ёвуз персонажларнинг белгиси сифатида келади: ўзларининг чандиқларига кўра Чарльз ва Кейси бир-бирларини "танишади".

Кейси образини яратишда иштирок этган яна бир метафора **"snake"** метафорасидир. **"Snake"** сўзи Кейсини тасвирлашда қайта-қайта такрорланади. Лекин, образ яратилишида асосий ролни юқоридаги сўзни дистант такрори эмас, балки Кейсининг ҳаракат ва ҳолат деталларини муваффақиятли акс эттирилиши ўйнаган. Масалан, илон билан кечган ҳолатни олиб кўрайлик: кичкина, қилт этмас кўзлар (**"her eyes were expressionless and cold... her eyes did not seem to blink"** (69.2-22); **"Her wide-set eyes communicated nothing"** (70.2-22)), кичкина ўткир тишлар ва тил (**"Cathy moistened her lips with a little pointed tongue"** (71.2-22); **"She looked up as she put it between her small sharp teeth"** (72.2-22); **"...her lips raised snarling from her little teeth"** (73.2-22); **"Her head jerked and her sharp teeth fastened on his hand across the back and up into the palm near the little finger"** (74.2-22)).

Илон чаққанидан сўнг Самуэлнинг жароҳатни тузатишни сўраши ҳам эътиборга лойиқ:

"Humans are more poisonous than snakes" (75.2-22), Кейсининг Фэй ўлимини усталик билан яширганида, ўлим ҳолатини қайд этган табиб қуйидагича хулоса қилади:

"That goddamn botulism. Worse than a rattlesnake" (76.2-22).

“Қўрқув”, “хатар” концептларини берувчи сўзнинг дистант такрори оқибатида атрофдагилар ҳайрат қуршовида қоладилар:

"Groups of boys and girls avoided her as though she carried a nameless danger" (77.2-22); **"Samuel shivered"** (78.2-22); **"He looked at her with fear... Samuel shuddered"** (79.2-22).

Шулар билан бир қаторда муаллиф Кейсининг фариштанамо сурати билан шайтоний сийратини кўрсатишда контраст усулини қўллайди. Шу тарзда, Стейнбек, М.Е. Обнорская таъкидлаганидек, мифологик мотивни конвергенция йўли билан илгари суради (80.1-7).

Ривоятнинг тили ва услуби Стейнбек романларининг ритмик-синтактик таркибида ҳам учрайди. Мифологик матнларнинг ритмик-синтактик хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларда насрий ривоят ритмининг алоҳида эмоционаллик ва бетакрорлик касб этувчи хусусиятлари кўзга ташланади: ҳар хил даражадаги

кўпсонли такрорлар, "ўзтаржима" ("self-translation") эффектлари ва ҳ.к. Шуларнинг иштирокида мифологик матннинг китобхон/тингловчига таъсир кўрсатишига эришилади. Эслатиб ўтиш лозимки, мифологик матн дастлаб ўқишга эмас, балки эшитишга мўлжалланган эди. Шунинг учун, унинг ритмик-мелодик хусусияти анча катта ўрин тутди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, барча санаб ўтилган ритмик-синтактик усуллар Стейнбек романларининг ритмикасини ташкиллаштирувчи элементлар, уларни ривоятлардаги баъзи матн лавҳалари билан яқинлаштиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ривоят оҳанги кўпроқ юқори эмоционал ҳолатларда, яъни маъновий доминантнинг репрезентация жойида аниқ намоён бўлади. Ритмомелодиялар ҳосил қилишнинг асосий усули сифатида қуйидагилар кўрилади: ҳар хил даражали(лексик, морфологик ва синтактик) такрор, полисиндетон, кўпсонли ўзак, параллел конструкциялар, ва антитезалар.

Ритмик-синтактик структуранинг моделлаштириш, матн муаллифининг нутқий фаолиятидаги етакчи мотивнинг кучи билан амалга оширилади. Нафақат вербал амалга оширилган маъновий доминантнинг мақсадга йўналтирилган репрезентацияси, балки мифологик матн ритмикасига эмоционал кириш - доимо бирламчи матн билан таҳлил қилинаётган матнни чуқур алоқасини таъкидлаб туради. Матнни тушуниш йўналиши, шу таҳлит беихтиёр топилади.

Бу ҳолатлар роман экспозициясидаги Салинас водийси табиатини тасвирлаш жараёнида яққол намоён бўлади. Шунингдек, Адамнинг Америка гўшалари бўйлаб қилган саёҳати тасвирида, Адам ва Чарльзнинг ўзаро муносабатидаги эмоционал лавҳаларни беришида, қаҳрамонлар нутқида, айниқса, Самуэл, Адам ва Лиларнинг нутқида ва муаллиф томонидан лирик ва фалсафий чекинишлар жараёнида кўринади.

Қуйидаги келтирилаётган матн лавҳаси мисолида ривоятнинг ритмик-мелодик шакли, бизнингча, аниқ кузатилади.

"Virtue and vice were warp and woof of our first consciousness, and they will be the fabric of our last, and this

despite any changes we may impose on field and river and mountain, on economy and manners" (81.2-22).

Келтирилган матн фрагментидаги юқори мифологик оҳанг аллитерация ёрдамида жуфт ҳолда бирлашади(**virtue and vice, waif and woop**). Тузилган мисра бешта ўзакдош орқали полисиндетон(**... on field and nver and mountain, on economy and manners**)ни, сўзларни қаршилантериш орқали антитезани ҳосил қилади: **first** ва **last**.

Иккинчи боб буйичахулосалар

Интертекстуал алоқаларнинг матннинг ритмик-синтактик структурасида таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мифологик матнга хос ритмик характеристикаларнинг моделлаштирилиши, долзарб маъновий доминант компонентлари ва эмоционал компонентларни ҳам репрезентация қилади. Таъкидлаш жоизки, матний алоқалар нафақат матннинг вербал доирасида, балки у билан ритмик-синтактик синхронлашган даражасида ҳам учрайди. Шу тарзда, реципиентга зарурий бўлган мифологик ва бадий матнларнинг қатлами – муаллифнинг маъновий доминантлари “қисқагина” бўлиб кўринади. Улар маиший оламдаги индивиднинг концептуал тизими ва мифологик детерминациянинг ўзаро уйғунлиги натижасидир.

Бобнинг якунловчи бўлимида муаллиф фикрининг репрезентацияси усулларига боғлиқ масалалар кўрилади.

Айнан шундай онг ва тафаккур иши вербал рефлексияни ва тушунишнинг ментал структуралари тараққиётини белгилайди.

Ушбу бобда Стейнбек ижодининг жанрий нуқтаи назардан турлича бўлган асарлари: “Жаннатдан шарқда” романи, “Жавоҳир” қиссаси ва “Американи излаш йўлида Чарли билан саёҳат” очерки лисоний таҳлил қилинади. Бунда роман ва очерк таҳлиliga Стейнбек асарларидаги мифологик матнлар асос қилиб олинган. “Жавоҳир” қиссаси эса, асарнинг ўзбек тилидаги нашри ва русча таржимадаги нашрларини ўзаро қиёслаш орқали таҳлил қилинади.

Мазкур бўлимда таржимонлик маҳоратига ҳам алоҳида ўрин ажратилган.

Бобнинг таҳлилга тортилган асарлари натижаси шундан далолат берадики, лисоний таҳлил қилиш услуби ва йўллари ҳамиша мукаммаллашиб бораверади.

ХУЛОСА

XX асрнинг сўнгги чорагида адабиётларнинг ўзаро алоқа ва таъсири юксалгани умуминсоний адабиётнинг юзага келиш жараёнида асосий туртки бўлди. Мазкур жараён XX аср адабиёти

тарихда қолиб кетмади, балки ХХІ аср бўсағасида бошланган “адабий глобаллашув”га ҳам кенг йўл очиб берди.

Янги йигирма биринчи юз йиллик ўзининг илк қадамини электрон алоқа воситалари билан қуролланган, исталган тилда ёзилган матн билан танишишга имкон берувчи дастурларга эга интернет воситасида ташлади. Эндиликда бу жараён эстетик интеграциялашув ва адабий глобаллашув жараёнларини жадаллаштирмоқда(82.1-19:3).

Ушбу тадқиқот долзарб мавзуга бағишланган бўлиб, унда Стейнбек ижодининг бадиий ва лисоний хусусиятлари кўриб чиқилди.

Мавзу муҳим масалага бағишланган, унда бадиий матнни айрим лисоний имкониятлари таҳлил қилиб берилади.

Биз Жон Стейнбек ижодини бадиий ва лисоний жиҳатларини тадқиқ қилгач қуйидаги хулосаларга келдик:

- Жон Стейнбек ижодидан турли жанр ва ғоядаги асарларни бадиий ва лисоний таҳлил қилинишига эришилди. Таҳлил натижалари ҳар қайси асарда ҳар хил кўринишга эга бўлди;

- Лисоний таҳлил услубининг экспериментал аҳамиятга эга эканлиги ва таҳлил натижаларининг кўламдорлиги диссертацияда кўрсатиб берилди;

- Тадқиқотни матншунослик, адабиётшунослик, адабий танқид ва тилшунослик соҳаларига бирдек алоқадорлиги ва уларга бой илмий материал бера олиши таҳлиллар натижасида ўз исботини топди;

- Жон Стейнбек услубининг мураккаблиги ва унинг асарларида фавқулодда сиқиклик мавжудлиги аниқланди. Шунинг учун матн таҳлилининг зарурлиги қайд қилинди ва матний таҳлил муваффақиятли амалга оширилди;

- Бадиий матннинг ёзувчи ва китобхон ўртасидаги ўзига хос мулоқот воситаси эканлиги таҳлил натижаларидан маълум бўлди;

- Ривоятларнинг таъсирчанлиги катта аҳамиятга эга бўлсада, улар одатда бадиий матнда айнан келтирилмай, балки янги тарихий-маданий шароитлар замирида акс этиши иккита матнни юзага

келишига сабаб бўлиши аниқланди ва улар ўртасидаги боғлиқлик лисоний жиҳатдан тадқиқ қилинди;

- Жон Стейнбек романларининг матншунослик доирасида таҳлил қилиниши ҳар бир янги матннинг эски матнларнинг такрори эмас, балки, келгусидаги матнларга ҳам таъсир кўрсатувчи, адабий-маданий жараённинг замон ва маконни тан олмайдиган ҳодисаси эканлиги яна бир бора тасдиқланди;

- Биринчи бобда бадиий асарларни ғоявий таҳлили натижасида бадиий адабиётдаги ҳаёт тасвирининг ҳаёт ҳақиқатларига ҳамиша ҳам мувофиқ келавермаслиги ҳақидаги фалсафий тушунча тўғри эканлигини Стейнбек асарлари мисолида кўрсатиб берилди;

- Мавзуни илгари бунчалик кенг кўламда ўрганилмаганлиги ва мавзунинг кенг қамровлилиги диссертациянинг муваффақиятли тадқиқ қилинишини таъминлаб берди;

- Иккинчи бобнинг сўнгги бўлимида бадиий матн маъносини англаш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилди ва тажрибанинг натижаси тавсифлаб берилди;

- Олиб борилган тадқиқот мана шу аспектда янада чуқур ва кўламдор илмий тадқиқот ишларини олиб бориш имкониятини оширади;

- Биз бу мавзуни тадқиқ қилиш жараёнида фойдаланилган фикрларга танқидий ёндашдик. Айрим кўчирмаларни фикримиз тасдиқи учун айнан келтирдик.

Биз танлаган мавзу ва олдга қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда қуйидаги омилларга амал қилдик:

-мавзунинг кенг қамровли эканлигини назарда тутиб, Жон Стейнбек асарларининг барча жанрда ёзилганларини таҳлил доирасига тортдик;

-тадқиқот ишида имкониятларимиздан келиб чиққан ҳолда, диссертациянинг ҳажми, боблар ва бўлимлар мавзусининг турлича эканлиги каби мавжуд вазиятни эътиборга олиб асар матнларидан намуналарни камроқ даражада келтирдик.

Таҳлил натижасида, эндиликда амалга оширилиши лозим топилган ва тавсия қилинадиган бир қанча мавзу ва жиҳатлар ҳам

юзага чиқди. Биз имкониятдан фойдаланиб бир қатор тавсияларни ҳам келтиришни ҳам лозим топдик:

-Жон Стейнбек романлари билан замонавий ўзбек адабиётидаги О.Мухтор, Ш.Холмирзаев, Т.Мурод, Н.Эшонкул, У.Ҳамдам, Л.Бўрихон каби адибларнинг романларидаги адабий ва фалсафий муштарак ғоялар тадқиқини адабиётшунослик ва адабий танқид доирасида ўрганиш;

-Жон Стейнбек асарларининг ўзбек тилига қилинган таржималари тадқиқини, таржимашунослик ва адабий алоқалар доирасида ўрганиш;

-Жон Стейнбек асарларининг бадиий таҳлилини олиб боровчи тадқиқотларни адабиётшунослик доирасида, ёзувчи асарлари матнини лисоний таҳлилини олиб боровчи тадқиқотларни эса лингвистика соҳаси доирасида олиб бориш;

-Жон Стейнбек асарларининг матний таҳлилини амалга ошириш учун матншунослик соҳасида илмий тадқиқотларни амалга ошириш.

Шунингдек, Жон Стейнбек ижодининг бадиий ва лисоний хусусиятларига бағишланган мазкур ишимизда матншунослик, таржимашунослик, адабий танқид, адабиётшунослик ва тилшунослик соҳалари предметларидан ўрни билан у ёки бу даражада фойдаланилганини таъкидлаш лозим.

Сўнг хулосада, Нобель мукофоти совриндори Жон Стейнбекнинг ижоди филологик илмларнинг барча аспектларида ўрганилишга лойиқлигини қайд қилиш зарур. Биз келгусида мазкур мавзу ёки шунга ёндош мавзуларда илмий тадқиқотларимизни давом эттириш ниятидамиз.

Келгуси йил Америка халқининг шонли фарзанди, бутун дунё хур фикрли инсонларининг севимли ёзувчиси Жон Стейнбек таваллудига 110 йил тўлади. Бизнинг имкон қадар амалга оширган ушбу кичик тадқиқотимиз адиб таваллудига муносиб совға бўлади деган умиддамиз.

1. Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. – 173бет.
2. Каримов И.А. Ватан ва халқ мангу қолади. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. – 253бет.
3. Бланшо М. Пространство литературы. Москва. 2002 – С. 242.
4. Гиленсон Б. Страна Джона Стейнбека Избранные произведения. Москва: 1998 – С. 186.
5. Засурский Я.Н. Американская литература XX века. Москва: 1984 - С. 289.
6. Зверев А.М. Американский роман 20-30-х годов XX века. Москва: 1982 - С. 197

7. Злобин Г. Джон Стейнбек // Писатели США. Краткие творческие биографии. Москва: 1990 - С. 418.

8. Кремнева А.В. Функционирование Библейского мифа как прецедентного текста(на материале произведений Джона Стейнбека)автреф. дисс. канд.филол.наук. Барнаул: 1999 – С.132.

9. Кремнева А.В. Поэтический мотив в произведении Д. Стейнбека // Язык и культура. Материалы международной научной конференции. Барнаул: 1997. С. 82-86.; Культурные факторы, влияющие на восприятие иноязычного текста (на материале романа Дж. Стейнбека "На восток от Эдема") // Человек. Коммуникация. Текст. Вып.2. Часть 1. – Барнаул: 1998 - С. 174-176.; Интертекстуальность как прием выдвижения в произведении Дж. Стейнбека // Актуальные проблемы стилистики декодирования, теории интертекстуальности, семантики слова и высказывания. Сборник трудов, посвященных юбилею докт. филол. наук, проф. И.В. Арнольд. - Санкт-Петербург: 1998 - С. 54-60. (в соавт. с М.Е. Обнорской).

10. Лагутина И.Н. Избирательное сродство: структура и семантика художественного пространства // Гётевские чтения. Т.4ю 1997 - С. 110-141.

11. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. Тошкент: Ўқитувчи, 1995 – 87бет.

12. Мулярчик А.С. Творчество Джона Стейнбека. Москва: 1999 - С.179.

13. Николина Н.А. Филологический анализ текста. М: 2003 - С. 121.

14. Николюкин А.Н. Американский романтизм и современность. Москва: 1968 - С.212.

15.Топоров В.Н. Пространство и текст // Текст: семантика и структура. Москва: 1983 – С.186.

16.Топоров В.Н. Пространство // Мифы народов мира. Энциклопедия: В 2 т. Москва: 1982 - С.340.

17.Федоров А.А. Джон Стейнбек. Москва: 1965 – С.102.

18.Фрэнк Д. Пространственная форма в современной литературе // Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв. Москва: 1987 - С.243.

19.Холбеков М. Жаҳон адабиётида умуминсоний тамойиллар. ЎзАС, 2010 йил, 29 октябрь, № 44(4079). 3 бет.

20.Чернейко Л.О. Способы представления пространства в времени в художественном тексте. Филол. науки. Москва: 1994 - №2. С. 58-70.

21. Lisca P. The Wide World of John Steinbeck. Putgess University Press. New Brunswick. New Jercey. 1958 - p.228.

2. Манбалар

1. Стейнбек Ж. Ҳайбатли тоғлар. Ҳикоялар тўплами. Рус тилидан таржима. Тошкент: Маънавият, 1963-212бет.

2. Стейнбек Ж. Карвон. (Ҳикоя) Жаҳон адабиёти. 1997-158бет.

3. Стейнбек Ж. Жавоҳир. Рус тилидан Амиркул Карим таржимаси. Тошкент: Маънавият, 2000-79бет.

4. Стейнбек Ж. Жавоҳир. Жаҳон адабиёти. 2009 йил, октябрь, №.., 56-бет.

5. Стейнбек Дж. Гроздь гнева. (Пер. с англ.Н.Волжиной. Предисл. Б. Изакова. Илл: Л. Бродаты) М: Гослитиздат 1957- С.534.

6. Стейнбек Дж. Жемчужина.(Пер. с англ. Н. Волжиной. Послесл. Д.Жантиевой) М: Изд. иностр. лит. 1958- С.74.

7 Стейнбек Дж. Квартал Тортилья-Флэт. Гроздь гнева. Жемчужина. Пер. с англ. (Вступит. статья, с.5-20, и примеч. А. Мулярчика; Ил. П. Пинкисевича). М: Художественная литература, 1977- С.686.

8. Стейнбек Дж. Избранные произведения: В двух томах. Т – 1. О мышах и людях: Повесть; Гроздь гнева: Роман. Пер. с англ.(Вступит. статья С. Батурина. С.5-24). М: Художественная литература, 1981-С.604.

9. Стейнбек Дж. Избранные произведения: В двух томах Т – 2. Консервный ряд: Повесть; Заблудившийся автобус: Роман; Зима тревоги нашей: Роман. М: Художественная литература, 1981- С.608.

10. Стейнбек Дж. Сборник рассказов. На англ. яз. Адаптир.

(Сост. Рапопорт А.С.) М: Высшая школа, 1981-С.96.

11. Стейнбек Дж. Гроздья гнева. Зима тревоги нашей.
(Романы: Пер. с англ. Вступ. ст. А. Мулярчика). М: Художественная литература, 1988-С.766.

12. Стейнбек Дж. Собрание сочинений в шести томах. Т – 1. М: Правда, 1989-С. 398. Т – 2. М: Правда, 1989-С. 557. Т – 3. М: Правда, 1989-С. 607. Т – 4. М: Правда, 1989-С. 510. Т – 5. М: Правда, 1989-С. 685. Т – 6. М: Правда, 1989-С. 490.

13. Стейнбек Дж. Русский дневник. (Пер. с англ. Е.Р. Рождественской; Предисл. Л.А. Жуховицкого). Москва: Мысль, 1990-С. 142.

14. Стейнбек Дж. Нобелевская речь (Перевод Б. Гиленсона)
15.Стейнбек Дж. Избранные произведения. Библиотека «Лауреаты Нобелевской премии». М: 1998 С. 411,412.

16. Steinbeck J. Of Mice and Men. 1999.

17. Steinbeck J. The Grapes of Wrath. 1995.

18. Steinbeck J. The Pearl. Oxford Heinemann Educational books Ltd 1993.

19. Steinbeck J. Travels with Charley. 1992.

Луғат ва изоҳлар

абстракт-лотинча сўз бўлиб, мавҳум деган маънони англатади;

адекват- лотинча сўз бўлиб, тенглаштирилган, баробар деган маънони англатади;

аллитерация- лотинча сўз бўлиб, ундошлар такрорига айтилади;

амбивалент- лотинча сўз бўлиб, бир объект иккита тушунча, маънони англатишига айтилади;

аналитик- грекча сўз бўлиб, предмет, нарса, ходисаларнинг бир-бирига боғлиқлигини билдиради;

анимализация- лотинча сўз бўлиб, тирик, тирилиш деган маънони билдиради;

антитеза-маъновий зидликка асосланган бадий санъат

антропоним-шахс номларини билдиради;

архетип- грекча сўз бўлиб, қадимги тип, нусхани билдиради;

ассоциатив-уюшган деган маънони англатади;

бестселлер-инглизча сўз бўлиб, бест-яхши деган маънони, селл-сотилмоқ деган маънони билдиради. АҚШ, Англиядаги катта тиражда сотиладиган китобни билдиради;

бизнес-инглизча сўз бўлиб, тижоратни англатади;

бинар- лотинча сўз бўлиб, икки қисмдан иборат бир бутунни англатади;

“биржа таназзули”-30-йилларда АҚШдаги йирик иқтисодий таназзул;

буржуа- французча сўз бўлиб, шаҳарлик деган маънони англатади;

«буюк депрессия»- АҚШда бўлиб ўтган турғунлик даврининг номи. Депрессия сўзи лотинча сўз бўлиб, тушкунлик деган маънони англатади.

вербал- лотинча сўз бўлиб, ҳалқ оғзаки ижодига хос деган маънони билдиради;

версия-сўнгги давр лотин тилига мансуб сўз бўлиб, бирор воқеа, ҳодисанинг бир неча хил кўриниши;

график- грекча сўз бўлиб, ёзма деган маънони англатади;

гуманитар- лотинча сўз бўлиб, инсон табиатига хос, инсоний деган маънони англатади;

детерминация- лотинча сўз бўлиб, аниқланиш; ўзак ортидан эргашувчи сўзнинг бўлаги, уни аниқлаш учун тарихий метод қўлланилади;

диалектик-грекча сўз бўлиб бирор жойга хос деган маънони англатади;

диалог- грекча сўз бўлиб, бир ёки бир неча кишининг мулоқотини англатади;

дистант- лотинча сўз бўлиб, оралиқ деган маънони англатади;

дифференциация- французча сўз бўлиб, фарқ қилиш деган маънони билдиради;

диффузия- лотинча сўз бўлиб, тарқалиш деган маънони билдиради;

доктрина-лотинча сўз бўлиб, назария деган маънони англатади;

доминант- лотинча сўз бўлиб, ҳукмрон деган маънони англатади;

идеал- французча сўз бўлиб, тасаввурда нимадир яхши деб қабул қилиш;

идиллия- грекча сўз бўлиб, антик поэзия даврида тинч, оилавий, асосан севги-муҳаббат лавҳалари акс этиши;

иерархик- грекча сўз бўлиб, бир бутуннинг юқоридан пастга ҳаракатини англатади;

инстинкт- лотинча сўз бўлиб, ички сезги деган маънони англатади;

интегратив- лотинча сўз бўлиб, бутун, бўлинмаган деган маъноларни англатади;

интеграция-лотинча сўз бўлиб, элементлар, қисмларнинг бирлашишига айтилади;

интертекстуал-матн усти деган маънони англатади;

интерпретация- лотинча сўз бўлиб, воситачилик маъносини англатади;

интонация- лотинча сўз бўлиб, нутқнинг ритмик ва оҳанг томониغا айтилади;

капитал-лотинча, инглизча сўз бўлиб баҳо, нарх, маблағ деган маънони англатади;

колорит- итальян(лотин)ча сўз бўлиб ранг деган маънони англатади;

комплекс- лотинча сўз бўлиб, боғлиқлик деган маънони англатади;

композиция- лотинча сўз бўлиб, тузилиш деган маънони билдиради;

конвергенция- лотинча сўз бўлиб, яқинлашмоқ, мос келмоқ деган маънони англатади;

конвенционал- лотинча сўз бўлиб, шартли, анъанага тўғри келувчи деган маънони англатади;

контекст- лотинча сўз бўлиб, боғлиқ деган маънони англатади;

контраст- французча сўз бўлиб, тез билдирилган қарши фикр деган маънони англатади;

конфликт- лотинча сўз бўлиб, фикрларнинг тўқнашувига айтилади;

концепт- лотинча сўз бўлиб, фикр деган маънони билдиради;

концептуал- лотинча сўз бўлиб, мафкуравий деган маънони билдиради;

кульминация- лотинча сўз бўлиб, баландлик, чўққи деган маънони англатади;

Лос Гатос- АҚШдаги шаҳарнинг номи;

“Маккартизм”-60-йиллардаги сиёсий таназзулнинг сабабчиси сенатор Мак Картининг номидан олинган;

маркер- французча сўз бўлиб, белги деган маънони англатади;

материализм- французча сўз бўлиб, моддийликни тарғиб қилувчи фалсафий назария;

метод- грекча сўз бўлиб, усул деган маънони англатади;

миграция- лотинча сўз бўлиб, кўчиш деган маънони билдиради;

мистик- грекча сўз бўлиб, ҳаёлий деган маънони билдиради;

мифология- грекча сўз бўлиб, илмий тартиб, ривоятларни ўрганувчи фан деган маъноларни билдиради;

Монтерей-АҚШдаги шаҳарнинг номи;

мотивацион-французча сўз бўлиб, амалга оширувчи деган маънони билдиради;

мунаққид-арабча сўз бўлиб танқидчи деган маънони англатади;

новация- лотинча сўз бўлиб, янгилик деган маънони англатади;

Норрис-Калифорниялик машҳур ёзувчи;

парадоксал- грекча сўз бўлиб, қутилмаган, фикр деган маънони билдиради;

Пайсано- испанча сўз бўлиб, юртдошлар, замондошлар деган маънони билдиради;

параллел- грекча сўз бўлиб, ёндош деган маънони билдиради;

параллелизм- грекча сўз бўлиб, иккита воқеъликнинг алоқаси;

пафос- грекча сўз бўлиб, рух деган маънони билдиради;

периферик- грекча сўз бўлиб, марказдан узоқда, четда деган маъноларни англатади;

плантация- лотинча сўз бўлиб, йирик ер хўжалигини билдиради;

позитив- лотинча сўз бўлиб, қониқарли деган маънони билдиради;

позиция- лотинча сўз бўлиб, жой, ўрин деган маънони билдиради;

полисиндетон- грекча сўз бўлиб, бир неча иттифокни билдиради;

поэзия- грекча сўз бўлиб, ижод; шеърий ўлчовга эга нутқни англатади;

прецедент- лотинча сўз бўлиб, олдинда келувчи деган маънони англатади;

призма- грекча сўз бўлиб, чангланган деган маънони англатади;

примитив- лотинча сўз бўлиб, дастлабки адабий қарашни билдиради;

прогрессив- лотинча сўз бўлиб, интилувчан, тезкор деган маънони англатади;

прозаик- лотинча сўз бўлиб, насрда ёзилган бадиий асар муаллифини билдиради;

псевдогероика- грекча сўз бўлиб, ёлғон қаҳрамон яратишга айтилади;

психологик- грекча сўз бўлиб, руҳий деган маънони англатади;

ракурс- французча сўз бўлиб, ўнғай, қисқартирилган деган маъноларни англатади;

реакция- лотинча сўз бўлиб, акс таъсирни билдиради;

реализм- сўнгги давр лотин тилига мансуб сўз бўлиб, ҳаётий акс эттириш деган маънони англатади;

реципиент- лотинча сўз бўлиб, қабул қилувчи деган маънони англатади;

респектабел- французча сўз бўлиб, ҳурмат, обрў деган маънони билдиради;

репрезентация- французча сўз бўлиб, намуна деган маънони англатади;

репрезентир- французча сўз бўлиб, кўрсатмоқ деган маънони англатади;

рефлексия- лотинча сўз бўлиб, ички руҳий ҳолатни акс этишига айтилади;

ритмик- грекча сўз бўлиб, ўлчовли деган маънони англатади;

ритмомелодия- микдорга эга оҳанг

Салинас- АҚШдаги шаҳарнинг номи;

секта- лотинча сўз бўлиб, йўналиш деган маънони билдиради;

семантик- грекча сўз бўлиб, билдирувчи, англатувчи деган маъноларни англатади;

синтактик- грекча сўз бўлиб, гап тузилишини билдиради;

синхрон- грекча сўз бўлиб, биргаликда, бир вақтдаги ҳаракатга айтилади;

система- грекча сўз бўлиб, қисмлардан иборат тизимни англатади;

Спенсер- АҚШ янги замон файласуф ёзувчиси, танқидчи;

специфик- лотинча сўз бўлиб, турдош деган маънони англатади;

стереотип- грекча сўз бўлиб, қаттиқ изни билдиради;

стилист- катта маҳорат ва услубга эга адиб;

структуал- лотинча сўз бўлиб, таркибий деган маънони англатади;

субъектив- лотинча сўз бўлиб, ташқи таъсирга эга деган маънони англатади;

суггестив- лотинча сўз бўлиб, тезкор деган маънони англатади;

сюжет- французча сўз бўлиб, давомий боғлиқ ҳодисалар лавҳасини билдиради;

терминология- лотинча сўз бўлиб, чегараланган деган маънони англатади;

трагизм- грекча сўз бўлиб, фожеавий деган маънони англатади;

трансформация- лотинча сўз бўлиб, айланмоқ деган маънони англатади;

троп- грекча сўз бўлиб, сўз ёки ибора(метафорик, метаномик, эпитет)га айтилади;

феномен- грекча сўз бўлиб, нодир воқеъликни билдиради;

финал-якун деган маънони билдиради;

фрагмент- лотинча сўз бўлиб, лавҳа деган маънони англатади;

фундаментал- лотинча сўз бўлиб, асос, негиз деган маънони англатади;

функция- лотинча сўз бўлиб, вазифани бажаришни билдиради;

характер- грекча сўз бўлиб, хусусият деган маънони билдиради;

хроника- грекча сўз бўлиб, даврга доир деган маънони англатади;

эволюция- лотинча сўз бўлиб, ривожланиш деган маънони билдиради;

экспериментал- лотинча сўз бўлиб, тажрибавий деган маънони англатади;

эксплуатация- французча сўз бўлиб, фойдаланиш деган маънони билдиради;

экспозиция- лотинча сўз бўлиб, тасвир деган маънони англатади;

эмоционал-ҳиссий деган маънони англатади;

эпизод- грекча сўз бўлиб, воқеа деган маънони англатади;

эпос- грекча сўз бўлиб, сўз, хикоя, кўшиқ деган маънони англатади;

эпопея-грекча сўз бўлиб, давомий ходиса, воқеа;

эстетик- грекча сўз бўлиб, ҳиссий деган маънони англатади;

этик- лотинча сўз бўлиб, маданий таомил, урф-одат деган маънони англатади;

этнографик- грекча сўз бўлиб, халқлар, элатлар ҳақидаги фаннинг номи;

циклик- даврий деган маънони англатади;